

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Ўзбекистон
фуқаролари ҳамиша
ўз давлати ва
Конституцияси
ҳимоясида бўлади ва
биз бу тамойилни
бундан буён ҳам
қатъий амалга
оширамиз.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 8-dekabr, seshanba, 141-142 (23.421-23.422)-sonlar

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сизларни улуг айём – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида авж олган коронавирус пандемияси туфайли бу йил Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин, шунга қарамасдан, бу байрамнинг руҳи ва шукуҳи қалбларимизда, юракларимизда давом этмоқда. Бу айём юртимизнинг меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг қўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгаришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгариши, ҳар бир юртошимиз мамлакатимизнинг тарақиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ана шу улкан салоҳиятга таяниб, халқимиз бугунги кунда мураккаб сиёсий-иқтисодий мардонга энгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт – янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” деган ибора халқро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда.

Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга албатта юксак гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳурматли юртодошлар!

“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланди.

Ана шундай конституциявий пойдеворга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, глобал пандемияга қарши курашда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартафат эйтишда ўзини тўла оқлади.

Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Авалло, Асосий қонунимизда кафолатланган малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Пандемия даврида аҳоли соғлиғини сақлаш, ишиқ қолган фуқароларга ёрдам беришга, тадбиркорларга биринчи даражали эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун

34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртодошларимизга янги уйларнинг қалити топширилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига киради.

Фаол гендер сиёсати доирасида хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш бўйича жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Буларнинг барчаси пандемия ва унинг оқибатида юзага келган иқтисодий ва ижтимоий инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш имконини бермоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қадрли юртодошлар! Конституциямизда ўз ифодасини топган адолат принципини амалда таъминлаш бўйича ҳам катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрданнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилмоқда.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётини муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди.

Энг муҳими, одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланди.

Юрт бошига иш тушган оғир кунларда бизнес ҳамжамияти, тадбиркор ва фермерларимиз, меҳр-оқибатли фуқароларимиз иштирокида ташкил этилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварлигининг яна бир юксак намоёни бўлди. Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

“Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан бошланади”, деган ғоя асосида умумий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишга нисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда **Учинчи Ренессанс** – миллий тарақиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим конституциявий тамойил – инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича барча соҳаларда, айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг тасдиғини кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилингани, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими **“Бир суд – бир инстанция”** тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ишчил амалга оширилмоқда.

Афв институтини қўллаш борасидаги

ишларимиз ишчил давом эттирилмоқда. Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Узоқ вақт фуқароликка эга бўлмай келган инсонлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқаролари деб ҳис этмоқда. Ўтган йилга беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Бу эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайитиришга қаратилган қаҳриғига муносиб жавоб бўлади.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилингани туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Муҳтарам ватандошлар! Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган бир қатор глобал ва минтақавий ташаббуслар, аниқ амалий тақдирлар халқро миқёсда кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлаш ўринлидир.

Октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Бу – биз олиб бораётган очик ва фаол ташқи сиёсатнинг яна бир катта ютуғи, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳити яхшиланаётгани, туризм ва экспорт салоҳияти юксалиб бораётгани, Халқро меҳнат ташкилотининг стандарт ва қоидалари ҳаётга фаол татбиқ этилаётгани туфайли Ўзбекистоннинг халқро рейтинглардаги ўрни йил сайин юксалмоқда.

Пандемия ва глобал иқтисодий инқироз сабабли юзага келган турли тўсиқ ва муаммоларга қарамасдан, ташқи алоқаларимиз тўхтаб қолмади. Қўшни ва ҳамкор давлатлар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий, гуманитар соҳалардаги алоқалар узлуксиз давом этмоқда.

Хорижий мамлакатлардаги фуқароларимизнинг мавжуд муаммоларини тезкор ва ижобий ҳал этиш, уларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда Ватанимизга қайтариш борасида бу йил аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани халқимизга яхши маълум. Хусусан, пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртодошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.

Ёлғон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуроли можаролар бўлаётган Яқин Шарқ минтақасида оғир кунларни бошидан ўтказаяётган фуқароларимиз, асосан аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш бўйича инсонпарварлик тадбирлари давом эттирилмоқда.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлади ва биз бу тамойилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз.**

2-саҳифа >>>



Конституция кунини нишонланди

фақат бироз бошқача

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Фақат одатдагидан бироз бошқача.

Янги уйга кўчиб ўтди. Тадбирда вилоят мусиқали драма театри актёрлари томонидан буюк боболаримиз сиймоси акс этган сахна кўри-нишлари намойиш этилди.

Карантин сабаб бу йилги тадбирга вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 250 нафарга яқин вакиллар тақдир этилди.

Тадбир аввалида давлатимиз мадҳияси ҳарбий оркестр ёрдамида Самарқанд давлат университетининг “Гулдаста” хор жамоаси томонидан ижро этилди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов маросим иштирокчилари ва аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Мисол учун, 2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да вилоят-



тимизда инвестиция дастури асосида 122 та ижтимоий соҳа объекти қурилди ва реконструкция қилинди. Жумладан, 47 та мактабгача таълим ташкилоти, 50 та умумтаълим мактаби, 17 та соғлиқни сақлаш муассасаси фойдаланишга топширилди. Қорасув массивида 773 та оила-

Шоирлар Бош Қомусимизни, Ватанни мадҳ этувчи шеърлар ўқиди. Ёш истеъдод эгалари ва таниқли санъаткорларнинг кўй-кўшиқлари иштирокчилар кўнглига кўтаринкилик бағишлади. Аҳамиятлиси, тадбир давомида фойдаланган фойдаланилмади.

Сана муносабати билан Самарқанд давлат университетида ҳам тадбир ташкил этилди.

Бош Қомусимиз қабул қилинган кунга бағишланган тадбир «Ёшларга оид давлат сиёсати тарғиботи ҳафталиги» доирасида ўтказилгани аҳамиятлидир, - дейди университет ёшлар

Инсонпарварлиқнинг юксак намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонини имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 104 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 6 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 50 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 17 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 41 нафар шахсга таъинланган озодликдан маҳрум

этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини таққиланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича маъсул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хурматли дўстлар!

Кейинги йилларда эришган ижобий натижаларимиз биз кўзлаётган улғувор мақсадлар йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз. Бу борада ҳали **олдимизда улкан вазифалар** турибди.

Биринчидан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортикча нормаларни камайитириш зарур.

Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўладилар, деб ўйлайман.

Иккинчидан, тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишни таъсирчан

механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Сўнги икки йилда ноқонуний ҳатти-ҳаракати билан давлатга 2 триллион сўм зарар етказган 1986 нафар мансабдор шахс коррупцияга оид жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилгани бу масала нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Мазкур йўналишдаги ишларимизни тизимли ва комплекс давом эттириш учун **2021-2025 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш миллий стратегияси** устида иш олиб бормоқдамиз.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масала биз учун ўта муҳим ва устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки коррупция – бу давлатимизни ич-ичидан емириб, миллий ҳавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши мурасасиз кураш олиб бориш – барчамизнинг бурчимиздир.

Учинчидан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада кучли эътибор қаратишимиз зарур. **“Қонун – устувор,**

жиноятга – жазо муқаррар” деган конституциявий тамойилни амалда таъминлаш учун ҳуқуқ-тартибот идораларининг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилади.

Тўртинчидан, муҳтарам нурунийларимиз, хурматли хотин-қизларимиз, азиз ёшларимизнинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларимизда, ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Бешинчидан, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлигини янада оширамиз.

Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиқлик ва ошқоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.

Мана шундай эзгу ва шарафли мақсад йўлида кексаю ёш барча ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб ҳарқат қиладилар, янги Ўзбекистон бунёдкори бўлиб майдонга чиқадилар, деб ишонаман.

Сизларни Конституция куни байрами билан яна бир бор чин қалбидан табриқлаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, шахсий ва ижтимоий ҳаётда катта муваффақиятлар тилайман.

Хонадонларимизни, гўзал юртимизни тинчлик-осойишталик, файзу барака асло тарқ этмасин!

Барча эзгу орзу-ниятларимиз рўёбга чиқсин! Яратганинг ўзи ҳаммамизни паҳолида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Депутат анкетаси

1. Сайлов округингизда 2020 йилда қандай лойиҳалар режалаштирилган? Улар ижросига киришилганми?
2. Депутат сифатида бевосита ўзингиз сайланган сайлов округида маҳалла ёки меҳнат жамоасида қандайд тadbир ўтказдингиз?
3. Сиз томонингиздан юборилган охириги депутатлик сўровининг мазмуни ва натижасини шарҳланг.

Сўровларим жавобсиз қолмаяпти

1. Жорий йилнинг ноябрь ойи ҳолатида туманда жами 39 та, умумий қиймати 85 миллиард 888 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, округ ҳудудида “Баржоме Қорасув” МЧЖ томонидан умумий қиймати 5 миллиард 366 миллион сўмлик (264 минг АҚШ доллар хорижий кредит) пласмаси идишлар ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.



Бундан ташқари, “Юзбоева Малика Ўктамовна” оилавий корхонаси томонидан умумий қиймати 1 миллиард 500 миллион сўмлик савдо ва маиший хизмат кўрсатиш лойиҳаси доирасида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида “Амиржон Анваржон боғлари” фермер хўжалиги замонавий боғдорчиликни ривожлантириш лойиҳасини амалга оширди. Қиймати 3 миллиард 200 миллион сўмлик лойиҳа натижасида 15 киши иш билан таъминланди.

“Пет Агро Оил” МЧЖ қўшма корхонасининг пахта ёғи ишлаб чиқариш лойиҳаси доирасида 12 та янги иш ўрни яратилди.

2. Сайлов округимдаги 15 та маҳаллада 10 минг 268 хонадон мавжуд. Режа асосида ҳар бир маҳаллага бориб, аҳоли билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилган. Мулоқотларда турли мазмундаги 42 та мурожаат рўйхатга олинди.

Мурожаатларнинг 4 таси йўл-қурилиш масаласида, 2 таси сув тармоқларидаги муаммолар бўйича, 8 тасида соғлигини тиклаш учун ёрдам сўралган, 12 та оилавий келишмовчиликлар, 1 та мактабгача таълим муассасасига фарзандини жойлаштириш масаласи, 8 та табиий газ муаммоси, 7 таси иш билан таъминлаш юзасида бўлди. Уларнинг барчаси қонун доирасида кўриб чиқилди.

Шу билан бирга таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумига тайёрлиги ва таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини ўрганиш масаласида ҳудуддаги мактабларга бориб, тегишли мутасаддиларга ўз таклиф ва тавсияларимни бердим.

3. Жорий йилнинг ўтган даврида 17 та депутатлик сўрови юборганман. Охириги депутатлик сўровини 19 ноябрда “Ҳудудга Самарқанд” масъулияти чекланган жамияти Тойлоқ туман газ филиалига йўлланди.

Сўровда тумандаги Богичинор маҳалласидаги 22-умумий ўрта таълим мактабига алоҳида газ тақсимлаш пункти ўрнатиб, газ босимини кўтариш масаласи баён қилинганди. 25 ноябрда филиалдан Тойлоқ ГРСдан табиий газ босимини кўтариш чоралари кўрилатгани тўғрисида жавоб хати олдим.

Дилафруз УЛУҒБОЕВА,
53-Богизогон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати.

Интернетдаги БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ

ҳақиқатда борми?

Хозир интернет орқали иш топиш осон. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг миллий вакансиялар базаси ish.mehnat.uz сайти орқали жисмоний шахсларга исталган касб тури бўйича иш излаш имкони яратилган. Буни балки ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Сайтда ҳудудлар кесимида қайси касб бўйича иш керак бўлса, ўша ҳудуд ва касбни танлаб, қидирув тугмасини босиб лозим. Ўша ҳудуд кесимида қанча бўш иш ўрни бўлса кўрсатилади. Сайтдан исталганча бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Биз киритилган бўш иш ўринлари ҳақиқатда мавжудлигини билиш мақсадида айрим иш ўринлари учун берилган эълонлар асосида телефонларга кўнғироқ қилдик.

Сайтда Каттақўрғон тумани 64-умумий ўрта таълим мактабига ўқитувчи (ҳар хил фанлар бўйича) вазифасига 3 та иш ўрни бўлиб, ойлик маоши 1 350 600 сўмдан белгиланган. Сайтда берилган телефон рақами мавжуд эмаслиги бос эълон берган киши билан боғлана олмадик. Ҳозирча 87 киши томонидан кўрилган ушбу эълон жорий йилнинг 5 ноябрида жойлаштирилган.

Каттақўрғон тумани “Дельфинча” 8-мактабгача таълим муассасасида 0,5 ставкали 4 та иш ўрни бўлиб, унга ўрта махсус маълумотга эга ходимлар тарбиячи ёрдамчиси вазифасига ишга олиниши, иш ҳақи 516 376 сўмлик кўрсатилган. Сайтда берилган телефон рақамини ҳеч ким кўтармади. 2020 йил 5 ноябрда жойлаштирилган ушбу эълонни бизгача атиги 1 киши кўрган экан.

Сайтда тарбиячи ёрдамчиси вазифасига Каттақўрғон тумани бўйича 55 та бўш иш ўринлари жойлаштирилган.

Оқдарё тумани 1-сон мактабгача таълим ташкилотига 1 ставкали 6 та иш ўрни

Ушбу мақолани веб-сайтимиз “zarnews.uz” га жойлаштиригандик. Мақола эълон қилинган, вилоят бандлик бош қармасидан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2017 йил 23 октябрдаги “Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги тўғриги талабларига мувофиқ, корхона, ташкилот ва муассасалар мулкчилик шаклидан қатъий назар, мавжуд иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ҳисобот ойнанинг 5 санасидан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органларига электрон кўринишда тақдим этиши белгиланган.

Ушбу низомга мувофиқ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан www.ish.mehnat.uz веб-сайти жорий этилиб, унда корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд бўш иш жойлари тўғрисида маълумотларни киритиш учун корхонанинг электрон калити орқали (телефон рақами билан) рўйхатдан ўтган.

бўлиб, унга олий маълумотли ходимлар тарбиячи вазифасига ишга олиниши ҳамда 1 114 545 сўм маош тўланиши ёзилган. Сайтда кўрсатилган телефон рақамига бир неча бор кўнғироқ қилсак-да туша олмадик. Ушбу иш ўрини бизгача 3 киши кўрган, бу эълон ҳам жорий йилнинг 5 ноябрида жойлаштирилган. Агар ҳақиқатда ушбу иш ўринлари бўлса, сайт 20 кундан буён янгиланмаган ёки ушбу иш ўринларига ҳали ходим олинмаган деган хулосага келиш мумкин.

Паст Даргом тумани 29-мактабгача таълим ташкилоти учун кўрсатилган 0,5 ставкали хореограф вазифасига 372 000 сўм маош берилиши кўрсатилган. Қизиги, сайтда берилган телефон рақамини кўтарган йигит ҳеч қандай эълон бермагани, ўзи Тошкентда қоровул бўлиб ишлашини айтди.

Тойлоқ тумани Галаотир қишлоғидаги 15-сонли мактабгача таълим ташкилотига 0,25 ставкали ҳамширалик вазифасига эълон берилган, ойлик маоши 266 000 сўм.

- Аслида бу маошга ҳеч ким ишга келмайди, - деди боғча мудириси Хосият

Йўлдошева. – Шунинг учун мен бу ишни боғчада 1 ставка ишлайдиган ҳамширага юклагандим. Туман бандлик бўлими бўш иш ўрнини яширгансиз, дея жаримага тортиди. Шундан кейин 0,25 ставкали иш ўрни бўйича эълон бердим.

Оқдарё политехника коллежига ҳамширалик вазифасига 1 ставка иш ўрни бўлиб, унга 1 140 595 сўм маош кўрсатилган. Ажаблანарлиси, эълонда берилган телефонни кўтарган йигит ҳеч қандай эълон бермагани ва ўзи Ургут туманида яшаганини айтди.

Биз интернет орқали иш топиш осон деб янглишимиз. Аслида ҳали ҳам янги-ча дунёқараш, янгича фикрлашга тайёр эмас эканмиз. Авваллари бўш иш ўринлари ёлғондакам қоғозда бўлса, энди ушбу ёлғон маълумотлар интернетга жойланяпти. Хўш, бундан мақсад нима? Халқни алдаши, режадаги ишни ёлғондан бўлса ҳам бажариши?

Иш ўрни бўлмаса “йўқ” дейлик. Қачонгача ўзимизнинг оёғимизга ўзимиз болта урамиз?

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Шу сабабли корхона ва ташкилотлар илк бор ушбу веб-сайт орқали рўйхатдан ўтиш вақтида киритилган манзили ва телефон рақамлари бугунги кунга қадар ўзгарисиз қолган.

Ушбу корхона ва ташкилотларнинг манзили ва телефон рақамлари корхона эгасининг электрон калити орқали ўзгартирилиши мумкин.

Бунга ҳудудий меҳнат органларининг алоқаси йўқлигини маълум қиламиз”.


ТАҲРИРИЯТДАН: Агар корхона ва ташкилотлар рўйхатдан ўтиш чоғида киритилган телефон рақами ҳар хил сабабларга кўра ўзгарган бўлса ёки улар эълон бераётганида буни билмаса, нима қилиш керак? Бўш иш ўринлари ҳақида эълон бераётган иш берувчиларга кимдир бу ҳақда тушунтириши керак эмасми?

www.ish.mehnat.uz веб-сайтидаги бўш иш ўринлари ҳақида берилган эълонларнинг деярли 80 фоизи шундай ҳолатда. Яъни, иш берувчининг телефони ишламайди ёки бошқа киши кўтаради. Ушбу муаммони масъул идора вакиллари ўз зиммасига олмас экан, яна ўша эски гап – халқни норози қилиб яшайверамиз.

Депутат муаммо кўяди

“Мардикор бозори” ўрнини қачон “Меҳнат бозори” эгаллайди?

Бу янги мавзу эмас, шу пайгача ҳам жуда кўп гапирилди, муҳокама қилинди. Аммо натижа қутулганидек эмас. Аниқроғи, жойлардаги “мардикор бозор”лари йўқолмаяпти. Бу жойга келувчилар кўпайса кўпаяптики, камайгани йўқ. Бугун меҳнат бозоридаги ҳолатни таҳлил этадиган бўлсак, бундай бозорлар йўқолмаса ҳам керак. Чунки кунлик меҳнат фаолиятини таклиф этаётганлар ҳам, бунга эҳтиёж ҳам юқори.



Хўш, нима қилиш керак? Мазкур фаолиятни қонуний асосда, ўз меҳнатини таклиф этаётган иш изловчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаб, кафолатлаб йўлга қўйиш лозим.

Бу ўринда давлат раҳбарининг шу йил 8 июнда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур ҳужжатда ўзини ўзи банд қиладиган шахслар учун 67 хил иш ва хизматлар турлари тасдиқланди. Бу хизматлар қаторида бугун “мардикор бозор”ларда таклиф этилаётган хоналарни тозалаш, жисмоний шахс

ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мураккаб бўлмаган умумий қурилиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, деҳқон ва фуқароларнинг томорқа участкаларида ер чопиш ва рекультивация ишларини бажариш, зкинларга ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш каби ишлар ҳам бор. Яъни, бугун кунлик ёланма ишга чиқаётган фуқаролар ўзини ўзи банд қилиб, меҳнат фаолиятини қонунийлаштириб қўйиши мумкин. Эътиборлиси, улар бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориде ижтимоий солиқ тўласа, келажакда пенсия таъминотини ҳам кафолатлайди.

Аслида фуқаролар учун енгиллик, имтиёз бўлган бу тартибни ҳам кўпчилик, моҳиятига

етмаган ҳолда, нотўғри талқин қилди. Ўзим ҳам кунлик меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга бу ҳақда айтганимда уларнинг жавоби бир хил бўлди – «энди шу ишимиз учун ҳам солиқ тўлаймизми», «уйимизга солиқдан хат келаверади-да». Бу мазкур янги тартибдан аҳолининг етарли даражада хабардор эмаслиги, қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсади тушунтирилмаганидан далолат, албатта.

Майли, бу алоҳида мавзу. Бунга ҳам ҳар қимнинг турлича қарши бор. Аммо биз айтмоқчи бўлганимиз ҳозирги норасмий “мардикор бозор”лар ва бу масканларда кишилар учун умуман шарт-шароит йўқлигида.

Бугун Самарқанд шаҳридаги Садриддин Айний ва Панжикент кўчалари чорраҳасидаги, Самарқанд туманидаги собиқ паррандачилик фабрикаси яқинидаги ёки “бетонка”даги, Паст Даргом тумани Найман маҳалласи ҳудудидаги кунлик меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун иш излаб чиқадиган кишилар тўпланадиган жойларга бир назар солинг. Қаерда, қандай шароит яратилган? Ўриндик борми, ёнгингарчилик ёки иссиқ тафтидан ҳимояланмиш учун соя-салқин жой қилинганми? Афсуски, бу ҳақда гапириш ноўрин. Мана шу жойларга бориб, машинангизни тўхтатинг, бир зумда 10-15 чоғли одам ёпирилиб келиб, “нима иш бор?” деб сўрайди. Бундай жойларда турли хил йўл-транспорт ҳодисалари ҳам тез-тез учраб туриши ҳеч кимга сир эмас.

Эракларга-ку кўзимиз ўрганиб қолгандир, аёллар-чи? Улар ҳам мана шундай шароитда иш излашига қачонгача бепарво қараб турамиз (Шу гапларни ёзяману кўнглимда

бир хавотир ҳам бор – ишқилиб, мана шу мақола ортдан “мардикор бозори”да тўпланадиганлар бу жойлардан қувиб юборилмасин-да, уларга яхшилик қиламан, деб ёмонлик қилиб қўймайин-да).

Тўғри, бир неча йил олдин жойларда фуқароларни вақтинчалик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилиб, маълум бир шароитлар яратилганди. Самарқанд шаҳридаги Панжикент кўчасида ҳам шундай жой бор эди, аммо кейинчалик унинг ўрнида бошқа бино қурилди. Ўтган йил эса Садриддин Айний кўчасида меҳнат бозори қурилиши ҳақида айтилганди, бунинг учун жой ҳам танланганди. Афсуски, бу ҳам ҳозирча “гап”лигича, режаланишча қолмоқда.

Бугун меҳнат муносабатлари соҳасида кўп янгиликлар, ўзгартириш бўляпти. Ишсизлик энг оғир муаммо, деб тан олинди, унга ечим изланмоқда. Мана шундай пайтда бу йўналишдаги ишни аввало ҳар қачон ўзимиз кўраётган, кўзимиз ўрганиб қолган муаммони ечишдан, бу борада ҳам янгича ёндашувлардан фойдаланишдан бошлайлик. Шу хизматга эҳтиёж бор эканми, давлат томонидан ёки хусусий сектор орқали шароит яратиш бериш чорасини кўрайлик. Бу масалани жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, маҳаллий Кенгашлар даражасида кўриб чиқиб, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ваколатимиз бор-ку!

Жамиятдаги ҳар бир кичик ижтимоий муаммо эртага ундан каттароқ масалаларга сабаб бўлиши мумкин. “Мардикор бозори”дагилар ҳам сизу бизга бегона эмас, улар бошқа жойдан келмаган ва бу жойларга мажбурликдан, тирикчилик учун, рўзгор ташвишида чиққан. Шунинг учун муаммо бўлган.


Нарзиқул ХОЛИҚОВ,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ғояси, мақсади, руҳи - ҳар бир қондаси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, асрлар мобайнида шаклланган демократик қадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек, бир неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган ўзбекона ва шарқона давлатни идора этиш ҳамда халқ билан бамаслаҳат сиёсат олиб бориш аъёнларини ўзида тўла мужассамлаштирган.

БОШ ҚОМУСИМИЗ - ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ОЛИЙ ИФОДАСИ

Қадимий Шарқ ҳамиша ўзининг азалий аъёнлари, бетимсол қадриятлари билан кишилик жамиятига ўз таъсирини ўтказиб келган. Жумладан, туронзамин жаҳоннинг улғу давлатчилик солномасида ўзининг қатор ҳокимият тузилмалари, доврғли салтанатлари, давлат ишларини юритиш тажрибаси билан муносиб ўрин тутди. Айниқса, давлат бошқаруви ҳуқуқий асослари барпо этилиб, бу борада муайян тажрибага эришилган. Халқнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва маърифатини ўстириш баробарида жамиятда қонунлар устуворлигини таъминлаш, ҳамма учун бирдек барқарор, адолатли, ҳаққоний қонунлар ишлаб чиқиш механизмлари яратилган. Зеро, ҳар қандай давлатнинг конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир.



Қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Дунё ҳамжамияти олдида янгиланган қиёфаси, халқаро ҳамжамият билан яқин қўшничилик, стратегик шерикчилик ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган очкилик ва ошқоралик сиёсати билан танилиб, жаҳонда турган ўрни ва нуфузи йилдан йилга юксалиб бораётган Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилган инсонпарвар ислохотлар туфайли юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлари таъминланиб, замонавий демократик тараққиёт учун замин яратилмоқда. Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига синдиришимиз зарур.

Истиқлол йилларида ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орузи, астойдил интилган асосий мақсади - соғлом, барқамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни воёга етказишдан иборат, деган маъсулият психологияси жамиятимизда қайта қарор топди. Дарҳақиқат, маънавий бой ва ахлоқдан етуқ, интеллектуал ривожланган ва юқори билимли, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш миллий истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади. Ҳозирги замонда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин.

Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий-маънавияти юксалишида ҳам улкан омилдир. Яна бир муҳим томони, у миллий манфаатларни химоя қилишда

қудратли қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан ривожланган мамлакатда демократик қадриятлар ва кўникмалар барқарор ривожланади. Чунки интеллектуал бойлик фақат билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан бирга, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ана шу омилларнинг барчасини назарда тутиб, Ўзбекистонда таълим тизimini ҳар томонлама ривожлантириш борасида янги ташаббус ва ғояларни мунтазам илгари суриб келмоқда. Бу ташаббуслар амалда ўз тасдиғини топиб, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани баробарида, жаҳон ҳамжамияти эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда.

Конституциямизнинг 42-моддасида: "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", дейилган. Мамлакатимиз олий ўқув юрларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қонуннинг ҳаётимизга нечоғлик чуқур тадбиқ этилаётганини кўриш, кузатиш кишига мароқ бағишлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: "Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш - Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон - кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас", деган эдилар. Бу тарихий ҳақиқат. Халқимизнинг буюк тарихи бор. Илм-фан, маънавият-маърифат, қурилиш-санъат, кўйинлиги, барча соҳаларда илғор бўлган буюк бобоқалонларимиз дунё тамаддунининг тамал тошини қўйганлар. Тарихга мурожаат қилсак, халқимиз икки Ренессансни бошидан кечирган. Узок тарихни ўз ичига олган бу икки уйғониш даврида буюк алломаларимиз, донишманд халқимиз жонажон юртимиз дунё цивилизацияси бешиги эканлигини амалда кўрсатишган.

Бугун юртимиз ҳақида фикр юритилганда "Янги Ўзбекистон", "Тараққиётнинг янги босқичига кириб бораётган мамлакат" каби иборалар ишлатилапти. Бу қўлга киритаётган улкан муваффақиятларимизнинг амалий самараси, десак муболага бўлмайди. Демак, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил ҳаракатдамыз. Юксалиш эса рақамли иқтисодиётга ўтиш, ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, инновацион ғоялар ва технологиялар билан бойитиш, шу билан бирга ўзлгимизни, маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни ривожлантиришни тақозо этади.

Шундай экан, ҳар бир юртдошимиз бугун мамлакатимизда барқ уриб турган бебаҳо неъмат - тинчлик, тотувлик, барқарорликнинг қадрига етиб, Учинчи Ренессанс даври пойдеворига гишт қўйиш, яъни юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиш учун астойдил ҳаракат қилмоғи лозим.

Худойёр МАМАТОВ, Марказий сайлов комиссияси Котибият раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.



(Мақоланинг тўлиқ ҳолдаги электрон шаклини ушбу QR-код орқали ўқишингиз мумкин)

Бобур Ҳиндистонда чорвага қанча солиқ белгилаган?

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шимолий Ҳиндистонда ўз салтанатини ўрнатгунга қадар Ҳиндистонда Шершоҳ томонидан жорий этилган солиқ тартиби амал қилган. Мазкур тизим ҳақидаги маълумотлар Бобурнинг "Мубаййин" номли асаридан баён этилган. Бу асар шеърӣ тарзда ёзилган маснавийдир. У беш қисмдан иборат бўлиб, учинчи қисми, қонунлар ва солиқ тизимига бағишланган.

Ушбу китобда нафақат бобурийлар салтанати давридаги иқтисодий ҳаёт, балки теурий ҳукмдорлар давридаги иқтисодий ҳаёт ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Бобур 1526 йилда Шершоҳ Сур (1472-1545) ўрнатган солиқлар тизimini кўздан кечиради. Кўпчилик бошқарувчи (муқаддам)лар солиқнинг ёзма равишда, пул кўринишида бўлиши учун мурожаат қилишса, бошқа табақа вакиллари натура шаклида бўлишини сўраб мурожаат қилган.



XIII асрдан XVIII асрнинг ўрталаригача хирож маҳсул, мол, мол-у жиҳат атамалари билан бир ўринда ифодаланган. "Закоат ҳақидаги китоб"да закоат солиғи 4 турга бўлинган. Хирож ҳосил кўп бўлган йиллар икки марта олинган.

Масалан, ер икки марта ҳосил берса, деҳқон икки марта солиқ тўлаган. Аҳолидан ернинг қандай кўринишида бўлиши ва қандай маҳсулот экилишига қараб ўлпон олинган. Қизикarli жиҳати шундаки, Бобур ҳам хирожни иккига бўлган. Камбағал деҳқонлар ер солиғидан ташқари яна мевали боғлар учун ҳам 1/10 қисмда маҳсулот солиғи тўлаган. Мабодо, улар ўрмондан асал ва мева йиғиб олса, иккаласи учун ҳам ушр берган.

Лалмикор, кўриқ ерлар, қамиш ўсадиган ерларда деҳқончилик қиладиган ерлардан солиқ олинмаган.

Шоҳжаҳон томонидан 1654 йилда чиқарилган фармонга кўра, жоғирдорлар солиқлардан озод қилинган.

«Мубаййин» китобининг "Савайи баён" қисмида чорва маҳсулотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Чорва (от, туя, эчки, қўй, сигир) бир ёшга киргандан кейин чорвадорларга солиқ солинган. Улар ярим йил давомида кўрхоналарда боқилган. Қўйлар

сони 40 тага етганда солиқ олинган. Қўй ва эчкилар учун ўлпон бир хил бўлган. Шоҳли моллар ва сигирлар учун ҳам солиқлар 40 бош учун 1 бош шаклида олинган. Токи 121 та бўлгунча, шундай тизим давом этган. 121 та бўлганда, 2 бош, 201 та бўлса, 3 бош қўй солиқ сифатида тўланган.

Мазкур тизим 400 бош бўлгунча давом этган. Агар 400 та бўлса, ҳар бир 100 бош учун 1 бошдан, 4 бош олинган, бу сиёсат 10 минг бўлгунча ўзгартирилмаган. Эчки учун ҳам закот шу тарзда олинган. Ийрик шоҳли чорвалар 30 бошга етгандан кейин, ҳар бир 3 ёшли чорвадан тўлов талаб қилинган. 60 бош учун 2 бош, 5 туядан 1 бош, 10 бошдан 2, 15 бошдан 3 та қўй олинган. 26 туядан 1 та уч ёшли, 46 та туядан тўрт ёшли, 61 та туядан беш ёшли туя олинган. Бобур даврида савдо пул (кумуш ва олтин) билан амалга оширилган.

Ҳиндистонда Бобурийлар ўрнатган тартиб-интизом натижасида, савдо-солик жонланди, нарх-наво тизими халқ ва давлат томонидан белгиланди.

Суннатилла ЖУМАНОВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий кутубхона бўлими бошлиғи.

Чекка ҳудуднинг катта имкониятлари

Вилоят ҳокимлиги, ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан журналист ва блогерлар учун Нарпай туманида пресс-тур ташкил этилди.



жараёни билан ҳам танишди.

- Бу ерда қиймати 5,5 миллион доллар миқдоридаги лойиҳа амалга оширилмоқда, - дейди туман ҳокими ўринбосари Хушнуд Жуманов. - Маблағнинг 4,4 миллион доллари хорижий инвестиция ҳисобидан. Корхонада чиқинди қоғозлардан картон ишлаб чиқарилади. Бу бугунги кунда мамлакатимизда талаб юқори бўлган қурилиш материали - гипсокартон учун хомашё ҳисобланади. Бу маҳсулот шу пайтгача мамлакатимизга четдан импорт қилинган. Маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилаётган лойиҳа натижасида импорт ҳажми камайишига эришилади. Шу йилнинг охиригача ишга тушиши режалаштирилган корхонада 100 та иш ўрни яратилади. Украина ва Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида кунига 100 тоннагача маҳсулот тайёрланади.

БОҒЧАДА ЧЕТ ТИЛИДА ГАПЛАШАМИЗ

Пресс-турнинг навбатдаги манзили туман марказидаги давлат хусусий шериклик асосида ташкил этилган "Оқтош кўзмончоқлари" мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Лойиҳа қиймати 4 миллиард 206 миллион сўм бўлган мазкур замонавий боғчада 100 нафардан зиёд болажонлар тарбияланмоқда.

- Шу пайтгача идора ашёлари савдоси билан шуғулланиб келардим, - дейди Шоира Турдубоева.



Пресс-тур

- Тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, 3 миллиард сўмдан зиёд банк кредит олиб, қолганини ўз хисобидан сарфлаб ушбу катта ишга қўл урдим. Аввалига бироз чўчидим. Шу йил февраль ойида фаолият бошлаб, тажрибали педагогларни ишга таклиф қилдим. Бугунги кунда улар тарбияланувчиларга фақат рус ва инглиз тилларида машғулотлар ўтади.

ТУМАНДА РАҲБАРЛАР ЁШ, МАҚСАДЛАР КАТТА

Тадбир иштирокчилари тумандаги "Margoand sifat tekstile" кластер корхонасининг пахта ёғи ишлаб чиқариш цехи фаолияти билан танишиб, туризми ривожлантиришга хизмат қилувчи янги бунёд этилаётган замонавий меҳмонхоналарни ҳам кўздан кечирди.

Пресс-тур давомида журналист ва блогерларга ҳамроҳлик қилган туман ҳокими Шерзод Раҳмонов ва унинг ўринбосарлари ёш, эришаётган ютуқлари, олдларига қўйган мақсадлари катта экан.

- Мамлакатимизда пандемия

сабаб ўтаётган 2020 йил тараққиёт учун оғир давр бўлди, - дейди Ш.Раҳмонов. - Шунга қарамадан туманимиз иқтисодий ўсиш суръати сезиларли даражада бўлди. Жумладан, туманга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиш йиллик режаси шу йилнинг 1 декабри ҳолатида 158 фоизга бажарилди. Яъни, 3 та йирик корхона томонидан 5,5 миллион доллар миқдоридаги маблағ жалб қилинди. 23 та корхона томонидан 6 миллион 600 минг доллар миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 130 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Ҳали йил охиригача яна 4 миллион доллар миқдорида экспортни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Нарпай вилоятнинг чекка ҳудудида жойлашган туман, аммо яратилаётган кенг имкониятлардан четда қолгани йўқ. Келгусида ҳам улардан самарали фойдалансак, улкан марраларни забт этамиз.

Тўлқин СИДДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).



Унда 3 нафар иштирокчи қатнашди. Бошланғич нархи 27,4 миллиард сўм бўлган давлат активи 29 қадам билан 43,3 миллиард сўмга сотилди.

Маълумот учун: ушбу давлат активини сотиб олган голиб 2022 йил 1 апрелга қадар 100 та янги иш ўрни яратиб, халқаро стандартларга мос келадиган 4 юлдузли меҳмонхона мажмуасини тўлиқ фойдаланишга топшириши керак.

Дилноза БОЗОРОВА.

ТИЛГА БЕПИСАНД БЎЛМАНГ!

Сувни "ўчириб" бўладими?

Мулоҳаза

Сўз ўзига хос хусусиятга эга. Тилимизда қалб ифодаси сифатида суҳбат жараёнида ўз ўрнида тўғри қўлланган ҳар бир сўз киши кайфиятига куч бағишлайди.

Этиборсизлик соясида нотўғри қўлланиб келинаётган айрим сўзлар борки, узоқ йиллар давомида ҳам тилимизга сингиб кетолмай ажралиб туради. Суҳбат жараёнида ўз ўрнида ифодаланмаётганлиги билиниб, киши гашига тегади ва ҳафсалани пир қилади.

XX асрнинг биринчи чораги охирида фуқаролар рўйхат қилинганда рус тилидаги "фамилия, имя, отчество" сўзлари таржима қилиниб, "фамилия си, исми, отасининг исми" шаклида қўлланган. Аммо ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан қадимдан аждоқларнинг исми билан фуқароларнинг фамилияси ва исмининг нотўғри ёзилиши ташвишли муаммага айланади. Чунки вояга етиб, эсини таниган киши ўз фамилияси ва исмини ёзишда хато тўғри қўлланган сўзларни қўлланаётган ҳолатда, яъни фамилияси, исми-шарифи дейилганда фамилияси ва исми-шарифи (исми улуғлини) айтилганда, отасининг исми этибордан тушиб, умуман, қўлланмаган. Фуқаронинг ўз тилида мавжуд иборани ноҳож талқин қилиши тўғри сўзнинг амалда нотўғри қўлланилиши кишига эриш туюлади.

Бухоро – Тошкент магистраль йўлида "путепровод", "йўл ўтказгич" сўзлари ёзилганлигининг гувоҳи бўлади. "Путепровод" рус тилидан "йўл ўтказгич" шаклида сўзма-сўз таржима қилинганлиги тўғрисида сўз бузилган. 1954 йилда нашр этилган "Русско-узбекский словарь"да "Путепровод – олма йўл (бир йўлнинг тепасидан кўприк қилиб ўтказилган иккинчи йўл) шаклида таржима қилинган (Русско-узбекский словарь. Государственное издательство иностранных и национальных словарей, – Москва: 1954, –стр. 683). Йўл устида қурилган кўприкка нисбатан қўлланган "путепровод" сўзини "йўл ўтказгич" деб таржима қилиш ва қўллаш ғалати туюлади. Шу боис қурилган йўл устидан кўприк ўрнатилган яна бир йўл ўтказилган экан "йўл усти кўприги", қуйидаги йўлга нисбатан эса "кўприк ости йўл" шаклида қўлланылган, мавжуд қусурга барҳам берилиб, мақсадга мувофиқ бўлади.

Баъзан оммавий ахборот воситаларида қўлланган ғалати иборалар гоҳ

кўзга ташланиб, гоҳ эшитилиб туради. "Аҳолига сувни ўчириб қўйди" ёки "сувни ўчир", дейилса, эриш туюлади. Аслида электр ўчириб қўйилади. Аммо дарё ё ариқдан оқиб келаётган сув боғлаб, қувурдан босим билан келадиган сув жўмракни бураб ёпиб тўхтатилади. Бас шундай экан, сувга нисбатан "ўчираман" деб эмас, "тўхтатаман" шаклида қўлланылса, кўнгалдайдиган бўлади.

Фуқароларнинг тўғриланиш тўғрисидаги гувоҳнома ва паспортларидаги нуқсонлар ҳам анча болалаб кетган. Саводи ўзига яраша бўлган бир шахнинг айби билан фуқароларнинг фамилияси ва исмининг нотўғри ёзилиши ташвишли муаммага айланади. Чунки вояга етиб, эсини таниган киши ўз фамилияси ва исмини ёзишда хато тўғри қўлланган сўзларни қўлланаётган ҳолатда, яъни фамилияси, исми-шарифи дейилганда фамилияси ва исми-шарифи (исми улуғлини) айтилганда, отасининг исми этибордан тушиб, умуман, қўлланмаган. Фуқаронинг ўз тилида мавжуд иборани ноҳож талқин қилиши тўғри сўзнинг амалда нотўғри қўлланилиши кишига эриш туюлади.

Ўзидан ёш жиҳатидан улуг бўлган кишини ёлғиз исмини айтиб чақириб миллий урф-одатларимизга мутлоқ ёт. Исмига қариндошлик даражаси қўллаб айтилса, жуда тўғри бўлади: Ҳусан ака, Ҳасан бобо. Аммо ҳаммага ҳам насиб бўлмайдиган мартабага – Аллоҳ сийловига сазовор инсонларни исмидан кейин мартабаси қўлланылган менасмасликдайд, кесатикдайд эриш туюлади: Қобил хожи, Олим депутат. Агар мартаба исмидан олдин қўлланылса, мартаба улуғланади, фуқаронинг ҳурмати ҳам жойига қўйилади: Хожи Қобил бобо, депутат Олим ака.

Ҳажон санъатининг порлоқ юлдузларидан бири бўлмиш Амир Хон ҳаж амалларини бажариб, ўз ватани Ҳиндистонга қайтиб келгандан кейин хожи сўзини ўз исмидан олдин, яъни Хожи Амир Хон шаклида қўлланилишини маъқул кўрганлигини ғурур ва ифтихор билан маълум қилдики, бу ҳам ибратдир.

Кишиларни касби ва мансаб даражасини қўллашда ҳам менасмаслик ва кесатик аниқ билинади: Одил мулла, Ҳошим муаллим, Мўмин раис, Қодир



ректор. Касб ва мансабни улуғлаб муносабат билдирилиши кўнгалда ҳадиқ қолдирмайди: Мулла Одил бобо, Муаллим Ҳошим ака, раис Мўмин ака, ректор Қодир ака.

Фараз қилинг: "Қизимизга Мавжуда тарбиячи харф ўргатди", дегандан кўра, "Қизимизга тарбиячи Мавжуда опа харф ўргатди", деб фуқаронинг касбини эъозлаб, исми (ёки фамилияси)дан олдин қўшиб айтилса, тўғрироқ бўлмайдами?

Республикамизни мамлакатлар билан боғлаб турган магистраль йўл четларида колхоз, совхозлар тугатилгандан кейин антика ёзувлар пайдо бўлди: "... номли фермерлар уюшмаси" номи билан худудларда пештахталар ўрнатилган буйруқ берган айрим раҳбарларнинг қонун талабларидан мутлақо беҳабарлигидан, айни вақтда худудий бирликлар юзасида тушунчаси торлигидан кўнгал хижил бўлади.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида "Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирликларидир", деб ёзилган. Бас шундай экан, қонун талабларига амал қилган ҳолда "... маҳалла-сига хуш келибсиз", деб ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Вилоятлардаги радио ва телевидениеда "...номли фермерлар уюшмасида яшовчи фуқаро..." тарзида тез-тез бефарқлик билан ёзилган берилётган эълонлар ҳам кишини ажаблантиради.

Қишлоқларга қадам ранжида қилган муҳбир собиқ колхоз, совхоз худудларидаги бирор фермерлар уюшмасида бўлганмикин, ҳатто борлигини билармикан?! У худудий бирик тўғрисида наҳотки тушунчага эга бўлмасе?! Қонун устувор, унга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи.

Магистраль йўлларнинг четларида йўлчиларнинг ўзбошимчилиги ва лоқайдлиги билан шахсларнинг ҳамда жойларнинг номлари ёзилган кўрсаткичи пештахталар пайдо бўлди: "Омонов кўчаси", "Ўрта йўл". Ном қўйиш масаласи туманларда фаолият кўрсатаётган ном қўйиш комиссиялари томонидан кўриб чиқилиб, улларнинг тавсияси билан вилоят комиссиялари қарорларига асосан амалга оширилади. Ҳар бир худудда кўрсаткичи пештахталар ўрнатилган маҳаллий ҳокимликлар билан келишиб, тегишли ҳужжатларга таянган ҳолда расмийлаштирилса, нур устига аёло нур бўлади.

Сўзни ардоқлаб, ёзувни шарафлаб ёзган асарлари билан кўпчиликка манзур бўлган, тиниб-тинчимас, таникли тилшунос олим Равшан Жомонов ҳақ гапни айтган: "Она тилимиз – муқаддас, у – қанчалар зугумлардан омон қолган, аждоқлардан мерос бўлиб ўтган илохий неъмат!".

Тил – бобо-момолар беғараз мерос қилиб қолдирган бебаҳо бойлик. Уни соғлиғича сақлаш, амал қилиш, янада бойитиш, авлодларга асраб-авайлаб етказиш ҳар биримизнинг муқаддас ва шарафли бурчимиз. Айни вақтда тил қондаларига рия қилиб, оғзаки ва ёзма шаклларда ҳам сўзларни амалда тўғри қўллаш миллий қадриятларга ҳурмат билан қилинган юксак муносабатнинг ёрқин кўринишидир.

Исмат САНАЕВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



АМИР ТЕМУР ғалабаларининг СИРИ НИМАДА?



Соҳибқирон қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин, ким билан суҳбатга киришмасин, аввало, унинг фикрига, ақлига, тафаккур салоҳиятига этибор қаратган.

Амир Темур ўзининг ўнгитлариди: "Ҳар кимдан кенгаш олдим, ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қалб хазинасида сақлаб, ишлаб билдим", деб бежиз ёзмаган. Ушбу сўзлардан маълумки, бобомиз ўтмиш ва ҳаётини тажрибаларини ўзгалар фикри, маслаҳати, юз бераётган воқеаларни ўз ақли орқали тафаккурда қалби билан тақдоран таҳлил, тақриз қилиб, умумлаштириб, ягона фикрга, хулосага келган ва бу хулосаларини босқичма-босқич амалга оширишга ҳаракат қилган.

Амир Темурнинг "Тафаккур – фикрлаш (англамоқ) ва мушоҳада қилиш қобилияти, қувваи ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушкулотни осон қилиш йўлини топа олади", деган сўзлари инсондаги ақлнинг донишмандлик билан тафаккурий хулосага келишининг, ҳаётда тўғри йўл топишининг асоси деб тушунганлигидан далолат.

Соҳибқирон ҳаётини тажрибасида инсонларда маълум даражада фалсафий ички интуиция (ҳақиқатни далил билан исботлашдан, бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти) ва башоратчилик фазилатлари мавжудлигига ҳам ишонч ҳосил қилади. У Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиб, жангу жадал пайтларида тугилайдиган ҳафларни бартараф қилишда қуйидаги рубоийни, яъни:

"Қоронғу кечани шаъми-шабистон этгин, Бир лаҳзада оламни гулистон этгин, Бас, мушкул ишим тушубдур, осон этгин, Эй, барчанинг мушкулин осон этгин"

дўсининг куч-қудратини тўхтовсиз 72 марта қайтарганлигимда сезганман, деб таъкидлаган.

Ривоятларга қараганда, Амир Темур Чингизий Илсёҳжа таъ-

қибидан Хоразм воҳасига бориб қолади. Саратон иссиғида чўлу саҳрода ёлғиз кезиб, тўқайзорда дам олиб ётганида бир чумоли бугдой донидан олиш учун 7 марта бугдой поясидан юқорига кўтарилиб, қайта пастга юмалаб, донсиз йиқилвереди ва охири еттинчи уринишида бошоқ донидан олиб тушишга эришади. Бу воқеани кузатган Амир Темур умидсизликка чек қўйиб, шижоат билан жойидан туриб, сафдошларини топади. Катта кучга эга бўлиб, ғалабага эришади.

Ёхуд Амир Темур Шаҳрисабзда мактабда ўқиб юрган кезларида устоз ўқувчиларга "Эртага ҳамангиз биттадан чумчүк сўйиб олиб келасизлар, лекин чумчүкни сўйганингизни ҳеч ким кўрмасин", деб топширик беради. Эртасига Амир Темурдан бошқа барча ўқувчилар биттадан чумчүк сўйиб, ҳеч ким кўрмаганини айтишадди. Амир Темурдан "Нимага сен чумчүкни сўйиб келмадинг?", деб сўраганда, "Устоз, ҳеч ким кўрмайдиган жойини тополмадим", деб жавоб беради. Устоз эса ҳеч ким кўрмайдиган жойининг манзилини айтиб, яна сўйиб келишга буюради. Бунга бобомиз: "Кечирасиз устоз, сиз айтган ўша пана жойини ҳам Аллоҳ таоло кўради-ку!" - деб жавоб беради.

Соҳибқироннинг ёшлигиданок ноёб қобилият, ақл ва тафаккурга эга эканлиги ҳаёти давомида кўплаб мушкулотлардан осон чиқишига замин яратди. Амир Темур ақл, қалб, тафаккурини онгни ривожлантириб, ақл кучи билан иш тутишни давлат сиёсати даражасига кўтариб, таълим-тарбия, илм-фан ва маданиятни ривожлантирди. Ақл билан иш қўришни, масъулиятни сезишни, қонунга қатъий рия қилишни, кучли интизом ўрнатишни темурийзодаларга мерос қилиб қолдирди. Жиноят ва жазони ақл тарозисиди ўлчаш тартибини ўрнатди.

Аслидин САФАРОВ, Регистрон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш мустақил дирекцияси ходими.

Аччиқ ҳақиқат

- Ёдгорликка зиён етказишга нима ҳаққингиз бор...

- Қанақа ёдгорлик. Хароба-ку бу.
- Ўзингиз харобасиз.

Ўзини маданий мерос назоратчиси дея таништирган ёшгина кизга дўконини кенгайтириш учун, ўзининг таърифи билан айтганда, озроқ жойга пойдевор қурган ўрта ёшлардаги эркак бундан қирқ йиллар муқаддам катта савдогар бўлган раҳматли отасининг «давлат билан ўйнашма» деган ўгитини ёдга олиб, бошқа эътироз билдирмади.

Қиз кетганидан сўнг эркакнинг сотувчи ўғли отасига дакки берди:

- Архитектор рухсат берганини нега айтмадингиз?
- Ҳали қоғозни бергани йўқ.
- Энди нима бўлади?
- Ҳар бир иншинг ўз вақти соати бор, ўғлим.

Эртаси куни эркак архитекторнинг олдига боргани, у маданий мерос объектларини назорат қилиш бўлимининг оғоҳлантириш хатини кўрсатди ва ўша ерни кейинроқ қонунийлаштириб бераман, деб бу иши учун олдиндан олиб қўйган пулини қайтармади.

Эски шаҳар харобаси бозорга туташган бўлиб, харобадан айрилиб қолганга ўхшаш бир тепалик бозор худудига қолган, тепаликнинг ёнини текислаб ўзбошимчилик билан қурилиши бошланган бир неча дўкон чала ҳолида қолиб кетгани қайсар назоратчининг иши эканини ҳамма биларди.

Орадан ўттиз йил ўтди. Бу вақтга қадар нечта архитектор ўзгарди, нечта бозорком алмашди. Лекин бозор худудига қолиб кетган тепалик ўзгармади. Тепаликнинг бир ёни текисланиб, кейин бошланганча чала қолган дўкон қурилишлари ҳам, қачонлардир дўконни кенгайтириш учун бетондан қўйилган пойдевор ҳам ўша ҳолича ётарди.

Бутун меҳнат фаолиятини маданий мерос объектларини асрашга сарфлаган аёлнинг пенсияга чиқмагани кимларгадир ёқмади шекилли, ишида камчиликка йўл қўйгани даъвоси билан ишдан бўшатилди. Бу эса кўп вақт ўтмай бозор худудидидаги тепалик манзарасига таъсир кўрсатди. Аввалига унинг атрофида чала қолган қурилишларда иш бошланган бўлса, бир йилга қолмай тепаликнинг ўзи ҳам ғишт заводларнинг текин хом ашёсига айланиб, ундан ном-нишон қолмади.



Орадан ўттиз йил ўтиши дўконни кенгайтирмоқчи бўлган эркакни қарияга айлантирган, пойдевор устига девор кўтартираётган ўғлига қараб ўзи кўп қайтармаган гапни яна тилига олди: «Ҳар бир иншинг ўз вақт-соати бор».

Хуршид НУРУЛЛАЕВ.

Ҳаққа йўл

ИЛМ, шавқ ва ақлдандир


Олтимиш-етмиш ёшга кирди-ми, бас, бундай кимсалар ҳамма тенгдош «тўдадош»лари қатори ўлимни кутади. Ўлимни ҳам у табиий жараён, тақдир-пешона, келиши шарт бўлган нарса, дея ўйлайдида, у билан курашмай қўяди. «Етмишни урдик», нимамиз қолди энди, «етмиш – кетмиш»...

Мана чалғиш! «Ахир Ҳудо ҳеч бир бандасига ўлчаб, чегаралаб бермайди-ку умрни!»

Ана энди бу одамнинг «кураши – ўлим» бўлади-қолади.

Илло, инсон ҳаётда қанчалик кўп кўрса, билса, ҳаётини тажрибаси орқали илми, малакаси шунчалик ортиб, такомиллаша боради. Бу – тирик ҳаёт китобини яшаб, ўқиб илм олишидир. «Китобда тасвирланган ҳаёт бизни қанчалик ишонтириб, ларзага солмасин – у барибир ҳам «ўлик»дир» дейилади бир юнон ҳикматида. Ҳа,

кўп кўриш ҳам илмдир. Кўп кўрган одамгина кўп билади, кўпни илм



кўп кўриш ҳам илмдир. Кўп кўрган одамгина кўп билади, кўпни илм

олади, кўп кўриши учун эса инсон шунча яшаши ҳам керак. «Кўп кўриш, кўп азоб, кўп илм – кўп, узоқ умр беради».

Биргина шоирлардагина эмас, аслида, ҳамма одамда илҳомланиш, ижод қилиш хисси мавжуд. Худо ҳаммани айнан шу хилда яратган, ҳикматга қаранг: «Ҳар бир одам – шоир, ҳар бир шоир – одам!»

Инсон жўшиб илҳомланиши учун Ҳудони чин дилдан, юракдан севиши керак, ана шундагина муроди ҳосил бўлади. Кўп кўради, кўп билади, кўп яшайди, кўп илм олади ва Ҳудога яқинлаша боради. Худо – Илмдир!

Қиёсларга кўра, Яратган эгам оппоқ улкан қуш қиёфасида ҳу-

дудсиз қанотлари ила коинот – бутун борлик оламни қамраб туради. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг Аллоҳга бўлган садоқати хусусида шундай ҳикмат бор:

«Пирим Яратганга тоат-ибодат, намоз қилганларидея борки сўнгаларидан чинқириклар чиқиб кетур эди!»

Мана Аллоҳга бўлган чин садоқат, ишонч, эътиқод, ибодат, сифиниш ва сажданинг амалдаги кўриниши.

Покиза, гўзал қалб, чин юрак, чин дил... Мана Аллоҳга томон йўл. Минг художўй бўлинг, шуларсиз етишмоқлик хомхаёлдир Яратганга!

Муродим УМРЗОҚОВ, шифокор.

МАЪРИФАТ

Шифокорлар ҳақида қўшиқ қандай яралган эди?



Инсоннинг ҳаётига, чанг солса агарда хавф, Илмини қурол қилгай посбон шифокорлар.

Чин дилдан юракларга, бергайсиз даво-малҳам, Мехрингиз қуёш гўё, жонажон шифокорлар.

Бу чаманда - ҳаётда, одамлар очилган гул, Гулзорга қараб юрган, сиз боғбон шифокорлар.

Илмингиз қуёшдай, қалбларга югургай нур, Халқ учун бўлинг сиз ҳам соғ-омон, шифокорлар.

Кейин шеърға куй басталаш учун Имомжон Икромовга олиб боради. Хонанда Абдувахоб Эргашев қўшиқ ижро этади. Йиллар ўтиши билан қўшиққа бастакор ва машҳур созанда Комилжон Жабборов янгидан куй басталаб, уни ижро этишни Коммуна Исмоиловага топширади. Шундан сўнг қўшиқ ўзининг ҳақиқий ижросини толади.

Қахрамон БЕРДИЕВ.

1990 йил. Қиш кунларидан бирида «Сихат-саломатлик» таҳририятида истеъдодли ёзувчи-журналист Марҳамат Муслимов билан суҳбат қуриб ўтирган эдик. Хонага шоир Пўлат Мўмин кириб келди. Гап устида у киши «Жонга жон шифокорлар» шеърининг ёзилиши тарихини айтиб берди.

... Пўлат ака Тошкент шаҳар 2-шифохонасида даволанаётганида Ўзбекистоннинг буюк кишилари археолог Яхё Ғуломов, узумчилик билимдони Ризамат ота, табобатимиз мураббий профессорлари Абдулла Ҳошимов, Мунира Турсунхўжаева билан суҳбатда бўлади. Шунда А.Ҳошимов ва М.Турсунхўжаева Пўлат Мўминдан гина қилиб, "Кўплаб касб ходимларига шеър ва қўшиқлар бор-у, нега шифокорлар ҳақида қўшиқлар битилмаган" деб сўрашади.

Хижолатда қолган шоир касалхонадан соғайиб чиққач, «Шифонгиз» радифи билан бир ғазал ёзиб келади. Ғазал ҳар икки шифокорга маъқул бўлса-да, шоирнинг бу билан кўнгли тўлмайди.

Улар ҳам: - Агар сиз биздан даво топмаганингизда бу ғазални битмас экансиз-да, - деган гапни айтишди.

Шунда шоир уйига келиб қуйидаги мисраларни ёзди: Мен сиздан даво топдим, жонга жон шифокорлар, Мақсадим саломатлик, жонга жон шифокорлар.



Ясавийни ўқиб ...

Ясавийнинг ҳикматидан дурлар тердим кўз билан, Хомдирманки, ушбу ҳолни айтолмайман сўз билан, Валлоғ-биллоҳ ҳайратимни баҳам кўрсам сиз билан, Субҳоналлоҳ, ҳайрат ичра ҳолга тушиб қолдим мано.

Гуноҳларим оташ бўлиб вужудимни ёқади, Золим нафсим шайтон бирла аросатда боқади, Бир ён олов, бир ёнимда асал дарё оқади, Ҳикмат ўқиб ҳайрат ичра ҳолга тушиб қолдим мано.

Ҳикмат ўқиб, хилват ичра ўзлимни изладим, Маккор нафсим нурли йўлни тўсиб қўйди - бўзладим. Ғафлат ичра Аллоҳ дедим, Ҳақдан умид узмадим, Ясавийдан ҳикмат ўқиб, ҳайрат ичра қолдим мано.

Ҳаётингнинг заволдир бўш дақиқа, бўш соат, Тоат қилгин эй Солижон, сахар вақти -хуш соат. Ясавийдан ҳикмат ўқиб, гавҳар териб, топ роҳат, Субҳоналлоҳ, ҳикмат ўқиб, ҳайрат ичра қолдим мано.

Эркинг берма

Агар шайтон бўлса ғолиб, Нафсинг қўзғар созин чалиб, Уйнатади эркинг олиб, Эркинг берма азозил'га.

Аллоҳ десанг, шайтон қочар, Ҳақ йўлинига нурлар сочар, Дилда имон кўзин очар, Эркинг берма азозилга. Ғофил бўлсанг-ғафлат босар, Шайтон яйраб, униб-ўсар, Гуноҳларинг ҳаддан ошар, Эркинг берма азозилга.

Нафсинг - золим, маккор, гушна, Шайтон билан сирдош, ошна, Ёмонликка чанқоқ, ташна, Эркинг берма азозилга.

Нафсинг айлар агбору хор, Ҳар қилмишинг жавоби бор, Эзгуликнинг савоби бор, Эркинг берма азозилга. Қалбни қўриб турар Аллоҳ, Биру борим - биҳамдиллоҳ, Ҳисобдадир савоб, гуноҳ, Эркинг берма азозилга. Соли, борга шуқур дегин, Боқий дунё ғамин егин, Пушаймонлар қилма кейин, Эркинг берма азозилга.

Солижон ХУДОЁРОВ, Нуробод тумани.

1 Азозил - шайтон.

Қаноат айладим

Аллоҳим, ташаккур дардларим учун, Бу ғамлар баҳосин энди англадим: Бошим кўкка етди азобларинг-чун, Ахир банда ичра мени танладим.

Қаноат айладим, сабр айладим, Сен эса жонимда унсиз қулсан. Дардини бердингми, демак, дунёда, Менинг борлигимни билсан...

Ёлғонларга бўлмагай ошно, Покилт тўнин қийса чин инсон. Эшитилмагай дўстлардан дашмон, Тўғрилиқдор энг буюк эҳсон.

Дил шишаси тоза бўлса гар, Ёпишмагай тўхмат занглари. Кимки бўлса муҳаббатга ёр, Покизадир унинг тонглари.

Юрагимга ваҳима солур, Дўстларимсиз кечган кунларим. Зулмат эрур, қоп-қора эрур, Муҳаббатсиз ўтган кунларим. Исмадулла ЙЎЛДОШЕВ.

Тортиниш

Не-не санамларга дуч келганда ҳам, Ўтиб бормоқдаман севаман демай. Эр НАЗАР, «Севаман демай».

Ановиси кўзин қисди, Мановиси лабин бурди. Оғзин очиб турган шоир Тасодифан барин кўрди.



Уялдим, тортиндими, Айтишмади беваман, деб. Шу боис ҳам шоир акам Айтилмади севаман, деб.

Алишмасман

Жоним, сени жон олгучи хуморларга алишмасман, Кўзларингни жон асвоччи туморларга алишмасман. Баҳодир ОБИД, "Алишмасман".

Жоним, сени суюги йўқ гўшларга алишмасман, Есам калтак, есам ҳамки мушларга алишмасман.

Бозорда қиммат Кўқон қовушларга алишмасман, Мени йўлдан ўрган майин товушларга алишмасман.

Пародиялар

Битта санам қошин қоқди, Биттаси-чи, бежо боқди. Не бўлса ҳам бундай ҳолат Эр Назарга жуда ёқди.



Роса катта бўлса ҳамки челақларга алишмасман, Жуда керак бўлса ҳамки элақларга алишмасман.

Майли тешик бўлса ҳамки тоғорага алишмасман, Менинг учун зўр таом у - зогорага алишмасман.

Оқ бўлмаса ҳам жуда теримга алишмасман, Қийналиб ёзган байтим, шеъримга алишмасман.

Абдураззоқ ОБРЎЙ.

Инсонни ҳайвондан фарқ қилувчи, тилдан кейинги яна бир асосий жиҳат - ифтихор, фахрлиниш туйғусидир. Яъниким, аввало, инсон, олийжаноб фазилатлар соҳиби эканлиги билан буюк ва адолатли ишларни амалга оширувчи, айна пайтда жаҳолат ва розолатга қарши қурашувчи ягона куч эканидан ифтихор қиладиган, ғурурланадиган мавжудотдир.

Башарти, бундай фазилатлар бўлмаса, унинг ҳам ҳайвондан фарқи қолмас эди. Алишер Навоийнинг:

Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки ҳайвон ундан яхшидир фардининг умрбоқийлиги ҳам мазкур ҳақиқатнинг бадийи ифодаси эканлигидадир.

Гап шундаки, ўз ҳақ-хуқуқини билмайди-ган, англаб етганида ҳам уни химоя қилмайдиган, ўз мамлакатни ва миллатининг келажак тақдирини ҳақида ўйламайдиган одамлар, Фитрат таъбири билан айтганда, «жамият танасидаги микроблардир». Бактериялар бутун танага тарқалиб кетмасдан, олдини олиш лозимлиги аён иш. Аммо менинг назаримда микроблар аллақачон тарқалиб бўлган... Акс ҳолда, асрлар мобайнида топталиб келган миллий қадриятларимиз, хусусан, она тилимизнинг химояси учун уюшган ҳолда, оммавий тарзда бирон марта норозилик чиқиши бўлганими?! (Алоҳида олинган машҳур фидоий зотлардан ташқари). Билъакс, маҳаллий эл ўз бепарволиги ва лоқайдлиги билан босқинчиларга қулай имкониятлар яратиб берган,

келгинди-эўравонларга ҳамқанот бўлган. Оқибатда, ифтихордан, номус, ордан мосуво бўлган маҳаллий қорчалонлар кирдикорлари туфайли, бобомерос қадриятларимиз ва она тилимиз оёқ ости бўлган.

Надоматлар бўлсинким, бу иллат мустақиллик даврида ҳам йўқ бўлиб кетмади. Ҳатто давлат сиёсати даражасида ташвиқот қилинаётганлигига қарамасдан, ўнлаб, юзлаб хусусий корхоналарнинг номланиши, реклама ва паннолардаги ёзувларда бефарқлик намён бўлмоқда. Бу фикр айтила-айтила сийқаси чиқиб кетди, лекин фойдаси бўлмади. Иккинчидан, бу ҳолат оммавий ахборот воситалари - радио ва телевидение орқали эшиттирувчи ва кўрсатувларда Тошкент шеvasида сўзлашнинг «барқарорлигида» кўзга ташланади. Бундай ҳол кўпинча зиёли ўқитувчилар, илмий даража ва унвон эгалари бўлган олий мактаб ўқитувчилари - олимлар томонидан содир бўлмоқда. Нега шундай?! Бу миллий адабий тилимизга бепасандликми, этиборсизликми ё манманликми? Сўзсиз, ҳар учала ҳолатда ҳам сўзловчи айбдор.

ИФТИХОР

Назаримда, ҳар қайси радио ва телеканал режиссёрларининг биринчи галдаги вазифаси ана шундай ҳолатларга йўл қўйдирмаслик эмасми? Телеканалда кейинги пайтларда эълон қилинаётган бир ёзма даъватга эътибор қаратайлик:

"Зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизлар.... телефон рақамига кўнгирик қилиб ёрдам сўрашлари мумкин", дейилади. 30 миллиондан кўпроқ аҳолиси бўлган Ўзбекистонда давлатнинг марказий телевидениесида бундай мантисиз рекламани қайта-қайта эълон қилиш кулгилими ё фожиамми? Ахир, қурбон бўлмоқ - ҳалок бўлмоқ эканлигини билмаган журналист ёки матбуот ходими бўлиши мумкин эканда. Ўз турмуш тарзига, давлат сиёсатига бефарқ бўлган, уни номигагина адо этаётган лоқайд элда, барча соҳаларда хато ва нуқсонлар бўлаверади. Аиниқса, бундай хато ва камчиликларга зиёли ва мутахассислар томонидан йўл қўйилиши ачинарли ҳолдир. Масалан: Агар, "Ҳадиси шариф" бирикмасини "Ҳадису шариф" десак, "Бухорои шариф"ни "Бухорою шариф" дейишимиз керакми. Шунингдек, олий ўқув

юртини олийгоҳ деймиз, айна пайтда, шундай экан нега мактабни бошланғичгоҳ, ўрта махсус таълимни ўртагоҳ демаймиз ва ҳоказо.

"Даракчи" газетасининг 2020 йил 41-сонида Республика бош прокурори берган маълумотга кўра, ўтган қисқа давр мобайнида (асосан, коронавирус пандемияси даврида) давлат пулини ўмарганлар сифатида 1986 нафар мансабдор жавобгарликка тортилган баён этилади. Ахир, давлат амалдори бўлган, бизнинг назаримизда у, давлат сиёсатини амалга оширувчи, яъни коррупцияга ҳам қарши курашувчилар бўлиши керак эдику. Нима қилмоқ керак?! Афтидан, жиноят қилувчилар мутлақо қўрқмай қўйишган, беобрў-шарман-

Ифтихори йўқ одамнинг номус, ори бўлмагай, Номус, ори йўқ кишининг иқтидори бўлмагай. Иқтидор орзу-ҳавас ҳам интилиш инъомидир, Лоқайду бефарқ банданинг аҳду қарори бўлмагай. Аҳд, қарор мақсад эрур, мақсадга меҳнат элтидур Тер тўкиби ишланмаган меҳнат барори бўлмагай. Меҳнатга мойил бўлмаган текинтомоқлар ахлининг Ҳеч қачон ибратли бир тadbirkори бўлмагай.

да бўлиш ҳисларику вужудда сўниб бўлган. Қилаверса, ўмарган маблуга бойликлари фош этилиб, жиноий иш қўзғалса, жойини қоплаш учун етарли даражадан кўпроқ маблағлари ҳам йўқ эмас-да уларнинг. Илло, етказилган зарарлар ўрни қопланса, суд қилиб ўтириш шарт эмас деган қарашимиз ҳам бор, шекилли. Нима қилмоқ керак?! Бу соҳада қонун-бузарларга кўриладиган қоралар хусусида Японияда қўлланадиган усул анча самарали, фикримизча. У ерда яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарган ишчи (ўғирлик қилган эмас) ёки ишга кечикиб келган ходимни ишдан бўшатиб, йўл қўйган камчиликларини унинг меҳнат дафтarchасига ёки у ҳақдаги тавсифномага ёзиб қўяр эканлар. Энди, бундай ходимни бошқа корхона ва ташкилотларнинг ишга олиши амримахол эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Демокчиманки, инсоний фазилатларини йўқотган, ифтихори, ғурури йўқ юлғичларга нисбатан янада кескинроқ, шиддатлироқ қурашмоқ лозимдир.

Элга наф етказмаган бевурду нокас қавмининг Ортида васлига зор интизори бўлмагай. Ифтихорсиз бандалар ҳою ҳавасдин мосуво, Ҳар замон завқ-шавқ учун тамбур, дутори бўлмагай. Несини айтай Нурий, бу қавм маконда ломакон Авлодларига бергуси ёри, диёри бўлмагай.

Нуриддин БОБОҚАНДОВ.

Янги китоблар

Бугунги кунда Самарқандда яшаб ўтган буюк алломалар асарлари устида тадқиқотлар олиб борилиб, бу асарлар қайта чоп этилди. Яқинда тарихчи олим Комилжон Каттаев буюк алломалар ҳақида маънавий қимматга эга бир қатор китобларни нашр қилди. Улардан бири «Мажмуа ар-рисиол» тўпламидир.

Маҳдуми Аъзам ва Нақшбандий тариқатининг сўнгги намояндалари

Нақшбандия тариқатининг буюк вакили Маҳдуми Аъзам Даҳбедий бу тариқатнинг улғулигини илк бор илмий жиҳатдан исботлаб берган, бу ҳақда ўнлаб илмий-назарий асарлар ёзган. Аксарият асарлари "Мажмуа ар-рисиол" тўпламига жамланган. Муаллифнинг 30 га яқин рисоаларини ўз ичига олган ушбу тўплам нусхаларини дунёдаги барча йirik шарқ кўлэма кутубхона хазиналарида учратиш мумкин. Аммо унинг муаллиф ўз қўли билан кўчирган нусхаси Маҳдуми Аъзам авлодларидан Каттахонхожа Даҳбедий (1868-1969) нинг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлиб, бу тўлиқ ва камчиликсиз, мукаммал нусха деб тан олинган.

Ушбу тўплам асосан тасаввуф таълимотига бағишланган бўлиб, уларда Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шариф ва Шарқ тафаккурининг илғор намояндалари фикрлари таҳлил этилиб, илмий-назарий хулосалар баёни берилган. Ушбу тўпламни Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг ўз даври устувор тариқати ҳисобланган Нақшбандия силсиласининг назарий қонун-қоидалари жамланмаси дейиш мумкин. Юртимизда Нақшбандия тариқати билан бир қаторда Ясавия тариқатининг ҳам ўрни катта. Ушбу тариқатнинг сўнгги вакиллари бири Жўш Ота ҳақида нашрдан чиққан "Жўш Ота ва Ясавия силсиласи" китобида батафсил баён қилинган. Жўш ота тариқат пешвоси Хожа Аҳмад Ясавийнинг тўртинчи халифаси бўлган Ҳаким отанинг набираси бўлиб, ҳозирда Жўш ота номи билан танилган мавзеда фаолият юратган, ушбу манзилда яшаб, шу ерда вафот этган.

Қўшработ туманидан етишиб чиққан тариқат пирларидан яна бири Домла Камолиддин Охун ибн Олимбойдир. Қўшработ

туманининг Шова қишлоғида яшаб фаолият кўрсатган пир халқ орасида қисқача Домла Камол номи билан машҳур бўлган. У зот ўзининг илми, камтарона ҳаёт тарзи, топганини халққа тарқатиш одати билан шухрат топган. Нақшбандия тариқати пирларидан бўлган Домла Камолиддин тўғрисида айрим мақола ва тўлиқ бўлмаган маълумотлар учраса-да шу пайтгача бирор бир илмий рисола мавжуд эмас эди.

"Домла Камолнинг Аълия юртимизнинг охири машҳур муридлари" китоби ҳам нашрдан чиқди. Китобда Нақшбандия-Аълия тариқати тарихи, XX аср ўрталарида фаолият кўрсатган Аълия тариқатининг кейинги давр пешволари тарихи тўғрисида сўз боради.

Дунё илм-фани ва тамаддуни ривожига туртки берган эиё масканлари - мадрасалар илк бор юртимизда пайдо бўлган. "Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини" китобида Самарқанд шаҳрида мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатган мадрасалар тўғрисида сўз юритилган бўлиб, унда Самарқанддаги 55 та мадрасанинг тарихи, улар жойлашган мавзелар таълим тизими ва иш юритилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу китоб 2003 йилда илк марта ва 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланиб чоп этилган эди. Китоб олий мадрасалар меросхўри бўлган Самарқанд давлат университетининг 600 йиллиги олдида қайта чоп этилди.

Ушбу китобларнинг барчаси пойтахтимиздаги "Qamar-media" нашриётида чоп этилган.

Мазкур китоблар юртимиздан етишиб чиққан буюк



алломалар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишда нодир манба бўлиб хизмат қилади.

Сулаймон МАРДИЕВ.

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

реал тасаввуримизда қандай шаклланмоқда?

Мамлакатимизда барча соҳаларда янгиланиш даври – Янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар бошланиб кетди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида “Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортага қайтмайдиган тус олди”, деб бу ҳаракатимизни бутун дунёга маълум қилди.

Хўш, янги Ўзбекистоннинг мазмун-моҳияти нималарда намоён бўлаётми?
Биринчидан, 2019 йилда парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намоён этди. Шу тўғрисида ўшбу сайлов “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шiori остида амалга оширилди.

Иккинчидан, барча бўғиндаги давлат раҳбарлари бевосита жойларга бориб, аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг дарду-ташвишларини эшитиб, кўз билан кўриб, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимлари билан машғул бўлмоқда. Ҳозирги кунда ҳокимият фақат раҳбар эмас, балки том маънодаги ижрочига айланди. Олдин фақат юқори ташкилотлар топшириғини ижро қилар эди. Эндиликда халқнинг талабларини ҳам ижро қиладиган бўғинга айланди.
“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган янги гош шаклланди ва бу ҳар бир ходимнинг фаолият мезонига айланди. Бугунги кунда Давлат хизматлари агентлиги ҳам ўшбу йўналишнинг тақомиллашган бўғини бўлиб ҳисобланади.

Ўз хато ва камчиликларини учун халқимиз ва қонун олдида жавоб берадиган тизим шакллантирилган тўғрисида ҳар бир раҳбар шахсий жавобгарлиги ва масъулияти ошди.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасида судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда, улар фаолиятининг шаффофлиги таъминланмоқда. Суд мажлислари сайёр суд шаклида аҳоли иштирокида маҳаллаларда, ташкилотларда амалга оширилмоқда. Бу ҳолат биринчидан адолатни таъминлашга хизмат қилса, иккинчи томондан аҳоли учун жуда катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди ва бу иш тизимли равишда давом этмоқда.

Тўртинчидан, 2017–2020 йилларда **иқтисодий соҳасида** замон талабларига жавоб берадиган, мутлақо янги асосда ташкил этишга ва янада эркинлаштиришга, унинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга қаратилган қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш бўйича пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар мамлакат иқтисодида ва унинг ҳар бир ҳудудиде изчил амалга оширилмоқда. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ҳам кўзда тутилди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Аграр иқтисодиётдан аграр-индустриал,

ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан атиги 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди. 2018–2020 йилларда ҳам ўшбу кўрсаткич сақланиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили беш юз мингдан зиёд аҳоли кўпаяётган бўлса, ўшбу кўрсаткич ҳали етарли эмас. Бундан ташқари, қанчадан-қанча юртдошларимиз хорижда меҳнат қилмоқда.



сўнгра индустриал иқтисодиёт шаклланди. Эндиликда жаҳон мамлакатлари ичиде рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига аҳамият берилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида, юртимизда илк бор Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил қилиниши, инновация бозорининг тақомиллашуви ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириши амалга оширишни кун тартибиде асосий масала сифатида қўйилганлигида кўриш мумкин.

Иқтисодий сиёсатдаги янгиланишларнинг энг муҳимларидан бири, Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “норел рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаълум иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди”. Мамлакатимизда амалга оширилмайдиган ишларнинг барчаси амалий натижадорлик инсон манфаатига қаратилди. Изчиллик билан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017–2020 йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди. Яна бир реал кўрсаткич, мамлакатимизнинг экспорт ҳажми 15 фоиздан ортиқроқ даражага кўпаймоқда. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси қарийб бир миллиард доллар даражасига етди.

Мамлакатимизда миллий валютамизни эркин конвертация қилишга эришилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари охириги йилларда ўртача 1,0 миллиард доллардан кўпаймоқда.

Бешинчидан, биз учун гоят муҳим бўлган янги иш ўринлари ташкил этишда янгича муносабат шаклланди. Олдинлари қарийб бир миллионга яқин иш ўринлари яратилди, деган ахборот тарқатилар эди. Ўшбу масала мамлакатимиз раҳбари ва қўйи бўғинлар раҳбарларининг доимий эътиборида бўлишига қарамастан 2017 йилда янги sanoat корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини

Уларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш учун жуда катта ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки, одамлар шунчаки иш билан банд бўлмастлиги керак, ишлаган жойида ўз оиласини боқадиган даражада даромад олишга, камбағаллик чегарасидан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлиши керак.

Мамлакатимизда қўлдан буён ҳал қилиниши кутилаётган энг оғир ижтимоий муаммолардан бири кам таъминланган, камбағал оилаларни уй-жой билан таъминлаш муаммоси эди. 2017 йилда халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришилди. 2018–2020 йилларда ўшбу тадбир жадаллик билан ривожлантирилди. Бугунги кунда минглаб уйсиз оилалар ва ёш оилалар уй-жойли бўлди. Шу билан бирга ногиронлиги бор инсонлар, ёш оилалар нафақат шаҳарларда, ҳатто қишлоқларда ҳам замонвий шароитга эга уй-жой билан таъминланди ва бу жараён давом этмоқда.

Олтинчидан, узлуксиз таълим тизимида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълимнинг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, ўшбу жараёни тақомиллаштириш бобиде катта ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Ўшбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, яқин 3–4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий қилиш юзасидан белгиланган ишлар мактабдан бошланмоқда. Ёшларимизнинг “IT” технологияларга

Юртимиз ҳаётида рўй бераётган мамлакатимиздаги янгиланишлар борасида эришилган ютуқларни ҳали кўп санаш мумкин эди. Аммо ўшбу далилларнинг ўзи ҳам, бугунги кунда халқнинг фаровонлиги ва розилиги йўлида қилинаётган ишлар бутунлай янги йўналишда олиб борилаётганлигидан далolat бериб турибди. Ҳозир амалга оширилаётган 2017–2021 йилларга мўлжалланган мамлакатни ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши, барча соҳаларни қамраб олиш билан бирга аҳолининг ҳамма қатламлари манфаатларини ўзида ифодалайди.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори.

қизиқшини янада ошириш ва уларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши учун шароит яратиш мақсадида 2020 йилда – 14 та, келгуси йилда – 82 та, 2022 йилда – 64 та, 2023 йилда – 45 та ахборот технологиясига ихтисослашган мактаблар ташкил этилади, барча туман ва шаҳарлар қамраб олинади. Ўқитувчилар ишини энгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини яқунлаб, “Онлайн мактаб”, “Рақамли ва хавфсиз мактаб”, “Электрон дарслик”, “Электрон кундалик” каби тизимлар жорий этилади.

Еттинчидан, таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Мухаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар, Президент мактаби ва бир қанча ижод мактаблари ташкил қилинди. Олий таълим тизимини янада тақомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Олий таълимга қабул жараёни тақомиллаштирилди, иқтисодиётнинг реал секторидеги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонвий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё микёсида рақобатбардош бўлишини инобатга олиб, мазукур соҳага ҳам катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, охириги йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси тизими тақомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибиде бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди, янги академик институтлар очилди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро микёсида ном қозongan истеъодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Булардан мақсад олимлардан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижаларга эришишни инобатга олиб.

Саккизинчидан, туризм соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланмоқда. Мустақилликдан олдин туризм тўғрисида бирорта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди. Мустақиллик йилларида “Туризм тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Соҳага оид ўнлаб фармон, қарорлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, соҳани ривожлантиришга оид давлат ва ҳудудий дастурлар қабул қилинди. Соҳани ривожлантириш борасида 2017–2020 йилларда ўнлаб фармон ва қарорлар эълон қилинди, кўплаб чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда туризм тармоқ сифатида ҳеч қандай ўринга, ҳатто эътиборга ҳам эга эмас эди. Эндиликда туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлангани учун тегишли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бугунги кунда туризм бўйича мамлакатимиз энг хавфсиз давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Энг катта ютуғимиз, шубҳасиз, бугун Ўзбекистонни дунё таниди. Мамлакатимиз Президенти БМТнинг 75-сессиясида биринчи марта ўзбек тилида маъруза қилди.

Хотира уйғонса гўзалдир

Кайвони дейилганда ўзидан кўра кўпроқ эл манфаатини ўйлаган, ҳудудидеги ҳар бир оиланинг ҳаёт тарзи, унда камолга етган фарзандлар тарбияси билан қизиққан, қийин дамларда моддий ёрдам, зарур лаҳзаларда таскин-тасалли билан кўнгил оладиган инсон кўз олдимизга келади. Истеъодли раҳбар, деҳқончилик илмини пухта билган, умр бўйи юрт ободлиги учун меҳнат қилган дилкаш инсон Мурод Жўраев ҳам ҳақиқий кайвони эди.

Кайвони инсон

Истеъодли раҳбар Мурод Жўраев ҳаёт бўлганида 102 ёшга тўларди



Бу инсон ҳозиржавоблик ва топқирлик билан ҳар қандай даврада ўз фикрини дадиллик билан ифода этарди. Йигишлик, тантаналарда сўзга чиқса салобатли овози ҳаммининг диққатини тортарди. Қайси соҳада бўлмасин инсоннинг меҳнатини кадрларди. Бугунги авлод Мурод Жўраев ташаббуси билан қазилган ариқлардан сув ичяпти, у киши ўзлаштирган ерларда деҳқончилик қилаяпти, яратган боғлари фарқ ҳосил бермоқда. Умри қисқа, амалга оширган эзгу ишлари эса абадий бўлди. Йиллар асларга боғланса-да номи элнинг тилидан тушмайди.

1950 йиллар ўрталарида Иштихон ва Митан туманлари жуда қоққ бўлиб иккаласи бирлаштирилади. Самарқанд вилоятга раҳбарлари Мурод Жўраевни шу туманга биринчи котибликка тасвия этишди. Қисқа вақтда туман барча соҳада илғорлар қаторига қўшилиди.

Кейинчалик М.Жўраев Булунғур туманига раҳбарлик қилди. Бу туманда ҳам кўп эзгу ишларга бош бўлди.

1961 йилда яна Иштихонга қайтиб, жамоа хўжалигига етакчилик қилди.

Ўша вақтларда Шароф Рашидов, Бектош Раҳимов бу хўжаликка тез-тез келарди. Бир неча бор республика кишлоқ хўжалик ходимларининг катта анжуманлари Халқободда ўтказилганди. Мурод Жўраев амалга оширган ободончилик ишлари ибрат қилиб кўрсатиларди.

Халқободдаги Иккинчи жаҳон уруши жангчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдони, 5 минг кишилик стадион, тарих ва ўлкашунослик музейи, “Мингёноқ” санаторийси, помидорни қайта ишлайдиган завод, кутубхона, мактаб-интернат маҳоратли раҳбарнинг эзгу ишлари самараси эди. Шу ҳудуддаги турли кишлоқлардан 400 дан ортиқ хонадон марказга кўчирилди ва чиройли иморатларда ҳаёт бошланганди.

М.Жўраев 1968 йилда яна Иштихон тумани биринчи котиби бўлди. Маданият ва истироҳат боғи, туман ҳокимлиги, почта-алоқа бўлими, кишлоқ хўжалик бўлими учун кўп қаватли иморатлар қурил-

ди, “Миёнқол” ўйингоҳи бунёд этилди.

Қир-адирларда бўш ётган ерлар ўзлаштирилиб, “Янги-кент”, “Мингчинор”, “Зарбанд” хўжаликлари ташкил этилди.

“Одамни лавозим эмас, одам лавозимини улуглайди”, “Раҳбарнинг бағрикенг, кўзи тўқ бўлиши керак” деган гапларни кўп тортқорларди. Чунки ўзи шундай инсон эди. Юртига садоқати, ҳалол ва фидокорона меҳнати эвазига хурмат ва эъзоз топдики ордан йиллар ўтса-да ҳамон ҳаёт, худди орамизда юргандек.

Йигим-терим пайтида Мурод ака пахта қабул қилиш пунктига боради. Ҳеч нарсага эътибор қилмасдан ишлаётган отахон Бобомурод Дадаевнинг ишини кузатиб туради. Пахтанинг ҳаво олиб туриши учун хирмоннинг ўртаси очик қолдиларди. Эғлиби қарайди, ичкарида ҳарорат жуда баянда.

“Қандай ишлайсиз бундай иссиқда?”, деб сўрайди. Кейин “Жуда қийин экан”, дейди. “...Фарзандларингизга айтинг, эртага ҳужжатларини тўғрилай борсин, машина бераман”, дейди.

Қаътиятлилик, инсоннинг меҳнатини кадрлаши, сўзининг устидан чиққанлиги ҳали-ҳали тилдан-тилга ўтади.

Мурод Жўраев каерда ишлагани ўзига билдирилган ишончни оқлашга интилади. Меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган бўлса, 1942–1945 йилларда Оқдарё тумани комсомол кўмитасининг котиби, 1950–1952 йилларда Оқдарё тумани Кенгаши ижроия кўмитаси раиси бўлди, кейинчалик Фориш, Митан, Жиззах, Булунғур туманларига раҳбарлик қилди.

Кайвони инсон умр бўйи элнинг ташвиши билан яшайди, юртдошлари қалбидан жой олди.

Гулчеҳра УСМОНОВА.

Тарих сабоғи: Василий Сталиннинг қисмати

Василий Сталин 1953 йилда отасининг ўлимидан бир неча ой ўтгач, Хитойга қочишга уриниши барбод бўлиб, у қамоққа олинганди. Нега?

Кўли очик безори

Сталин ҳаётида унинг кичик ўғли Василийнинг расмий мавқеи, Ҳарбий ҳаво кучларининг футбол ва хоккей жамоаларига ҳомийлигидан ташқари, бошқа фаолияти “етти муҳр” остида сир тутилганди.

Сталин ўлимидан сўнг унинг шахсга сифиниш сиёсати қоралана бошлангач, Василий Сталин ҳам исканжага тушди. Публицистлар уни арокхўрликда, безориликда, зўравонликда, манманликда айбашди. Унинг моҳир учувчилиги, кўнгилли бўлиб урушга кетгани, жасорат кўрсатиб бешта немис самолётини уриб туширгани, камтарлиги, қўли очиклиги, тоғганини сафдошлари билан баҳам кўриши ҳақида эса гапиришмасди. Унинг ўрнида бошқа одам ўзини қандай тутарди?

Ота соясида

Василий улғайгач, ҳаёти бевосита қудратли отасининг ҳаёти билан боғлиқлигини тушуңди. Отам тирик экан, мен ҳам тирикман дея таъкидларди у.



Сталин даврида Василийнинг мавқеи кескин кўтарилиб борди. 21 ёшда полковник, 25 ёшда генерал-майор, 28 ёшда генерал-лейтенант унвонига эга бўлди. Адолат юзасидан айтиш керакки, бу мавқега қандай эришганини, чиройли погонлар учун қимдан миннатдорлигига қарамай, қўл остидагилар уни чин дилдан яхши кўришарди. 1948 йилда у Ҳарбий ҳаво кучларининг Москва округини бошқарди. Тўғри, Василий Сталиннинг хўлк-атвориде камчиликлар бор эди. Базмлар ва гусарликка мойиллик, бетгақонпарлик охир-оқибат ичкиликбозликка олиб келди. Баъзи лаганбардорларнинг унга парвоналигини Сталин билгач, Василийни моддий имтиёزلардан маҳрум қилди.

БЕВАҚТ ЎЛИМ

1953 йилнинг мартада Сталин вафот этди. Шу заҳоти ҳокимият учун кураш бошланди. Василий Сталин Хрушчев, Берия, Маленков ёки Булганин томонга ўтиши мумкин эди. Аммо у ичкиликка муккасидан кетди. Маст пайтида мамлакат биринчи шахсларини отасини ўлдирганликда айблади. Ёш генерал-лейтенант кўп нарсани билар, бироқ ўзини тутолмас, баралла гапирарди. У жуда хавфли бўлиб қолди. Шунда шафқатсиз қарор қабул қилинди. Василий Сталин 1953 йил 28 апрелда қамоққа олиниб, бошқа исм-шариф билан 8 йил қамоққа ҳукм қилинди ва Владимир турмасига ташланди.

Унга қўйилган айблардан бири Хитой элчихонасига сиёсий бошпана сўраб боргани бўлди. Шуниси ажабланарлики, бу маслаҳатни унга отаси берган эди. Маълум бўлишича, ўлимига-ча Сталиннинг шахсан ўзи уни Хитойга кетишга ундаган. Фақат ўша ерда хатарсиз яшашини айтган. ХХР Ҳарбий ҳаво кучларида кўмондонлик лавозимларидан бири келишиб қўйилганини таъкидлаган. Афтидан у ўлимидан кейин ўғлини тинч қўймасликларини сезган. Василий Сталин Хитой элчихонасига боргач, у ердан чиқмаслиги керак эди. У ердан чиқши билан қамоққа олинади. У қамоқ мuddатини тўлиқ ўтади. 1962 йилда озодликда 40 ёшда сирли равишда ўлим топди.

«Мир новостей» (2020 й. 43-сон)дан Т.ШОМУРДОВ таржимаси.



БУ – ФАКТ!
Вилоятимизда 15 та маданият ва истироҳат боғи фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий майдони 63,1 гектар. Вилоят статистика бошқармаси ахборот хизмати.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6096-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш эъзига "1 сўм" бошланғич қийматида "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори			Объектнинг баҳоланган нархи	Белгиланган фаолият тури	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги мuddати
						Инвестиция миқдори (млн. сўм)	Киритиш мuddати	Иш ўринлари сони				
1	Бўш турган бино-иншоотлар	Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги	Каттакўрғон шаҳри Дамариқ МФЙ, Б.Машраб кўчаси	0,054	359,0	250	10 ой	4 та	1 сўм	-	02.01.2021 й.	04.01.2021 й.
2	Бўш турган бино	Жомбой туман ҳокимлиги	Жомбой тумани Қўрғонсаломон МФЙ	0,0973	221,46	300	12 ой	8 та	1 сўм	Тикувчилик цехи фаолиятини ташкил этиш	02.01.2021 й.	04.01.2021 й.
3	Собиқ пилла қурти боқиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохбаси бино-иншоотлари	Жомбой туман ҳокимлиги	Жомбой тумани Деҳқонобод МФЙ	0,52	2180,63	10 000	6 ой	50 та	1 сўм	Доимий фаолият кўрсатувчи маҳаллий истеъмол маҳсулотлари (Самарқанд кўрғазма маркази) очиқ павильони	02.01.2021 й.	04.01.2021 й.
4	Бўш турган қозонхона биноси	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	Самарқанд шаҳри Боғичинор МФЙ, Гагарин кўчаси 76-уй	0,267	809,26	4000	12 ой	28 та	1 сўм	Меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш	02.01.2021 й.	04.01.2021 й.
5	Собиқ 53-сонли мактабнинг бино-иншоотлари	Нарпай туман ҳокимлиги	Нарпай тумани Мустақиллик МФЙ	0,415	983,02	2500	12 ой	50 та	1 сўм	Пардозбоп пишиқ гишт ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш	02.01.2021 й.	04.01.2021 й.

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш: Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик

шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосига қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилган, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб

хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"ига кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукцион қатнашувчиларига дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклиф-

ни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчиға ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан

кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пуллари қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:

Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-"А" уй, 6-қават, 604-хона. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими.

Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12.

Факс: 66-233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

«SAMARQAND MULK MARKAZI»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган

очиқ аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 85-"А" уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) А/м. «NEXIA». 2013 й. и/ч., д/б. 30 959 NAA, т/с. Б.б. – 41 193 835 сўм.

2) А/м. «NEXIA DONC». 2013 й. и/ч., д/б. 30 948 NAA, т/с. Б.б. – 40 757 025 сўм.

3) А/м. «NEXIA DONC». 2013 й. и/ч., д/б. 30 879 CBA, т/с. Б.б. – 43 377 888 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 8 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00

дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 2021 йил 8 январь кун соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомаши-

на бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Samarqand mulk markazi» МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13. Гувоҳнома № 05496.

УЙ СОТИЛАДИ

Самарқанд шаҳри марказидан барча қулайликларга эга умумий ҳовлидан уй сотилади. Уйдан офис сифатида фойдаланса ҳам бўлади.

Мурожаат учун телефонлар: 91-528-59-84, 90-374-90-24.

ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Аламов Шухрат Анатолиевичнинг таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳномаси (Самарқанд туманидаги 44-мактабни 1996 йилда битирган) Самарқанд тумани ҳудудида йўқолган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эъзига қайтаришларини сўраймиз. **Телефон: 97-891-70-74.**

Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги Ленин номи умумий меҳнат политехника таълим мактабидан 1966 йилда Паянова Рўзигул номига берилган № 496137 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежидан 2014 йилда Хошимов Аслиддин Куракбоевич номига берилган К № 3197627 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Каттакўрғон тиббиёт коллежидан 2013 йилда Шодманова Дилшода Зиёдулло қизи номига берилган рўйхат рақами 4186, К № 2098680 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги «Oqdaryo Agro Ishonch Invest» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2013 йилда Мажитов Улуғбек Фарҳод ўғли номига берилган У № 5929136 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 121-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Мирзаева Санобар Шарифбоевна номига берилган У № 0542972 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «AFRODITA SAMARKAND» оилавий корхонасига (СТИР: 302135218) тегишли, Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинган завод рақами 01273312 бўлган «МЕРКУРИЙ-115Ф» русумли назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтказиш карточкиси ва паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайарик туманидаги «LEGAL KRUSS LOYINA» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 307233377) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Галия АЗИМОВА



Бешафқат ўлим маҳоратли муаллим, фидойи устоз, самимий ва оқила аёл, меҳрибон она Галия Азимовани орамиздан олиб кетди.

Г.Азимова 1951 йилда Бухоро вилояти Қоракўл туманида туғилди. 1969 йилда мактабни аъло баҳоларга тугатиб, Бухоро педагогика институти математика факультетиға ўқишга кирди.

Илк иш фаолиятини Когон шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабида бошлади. Г.Азимова ёшлигидан ўқитувчилик касбини севгани учун ўқувчиларга математика сирларини кунт билан ўргатди, минглаб шогирдларга устозлик қилди. Жамоада хурмат, иззатга сазовор бўлди.

1985-1992 йилларда Когон шаҳридаги 3-кечки мактабда директор бўлиб ишлаган кезлари ўқитувчиларни рағбатлантириш эъзига мактабда турли тадбирлар ташкил этди. Ўқувчиларни фанларга қизиқтиришнинг самарали

усулларидан фойдаланди. Шу билан бирга ўзи ҳам математика фанидан ўқувчиларга дарс беришни тўхтатмади.

Г.Азимова умрининг 30 йиллини мактабда болаларга таълим-тарбия беришга сарфлади. Унинг юзлаб шогирдлари бугун республикамизнинг турли ҳудудларида ватан равнақи учун меҳнат қилмоқда.

Меҳрибон, дилкаш, самимий устоз Галия Азимованинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ШОГИРДЛАРИ.

Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси ва вилоят давлат молиявий назорати бошқармалари жамоаси молия бош бошқармаси таълим муассасаларини молиявий таъминлаш бўлими бош иқтисодчиси Ўқтам Йўлдошевга отаси

Ўззам ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Бир гуруҳ дўстлари Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти доценти, тарих фанлари номзоди

Бекпўлат КЎБАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Самарқанд вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази жамоаси ҳамда касба уюшма кўмитаси мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси доценти Махбуба Раҳимқуловага отаси

Бахрон РАҲИМКЎЛОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ГАЗЕТАЛАРИМИЗНИ ВАҚТИДА ОЛЯПСИЗМИ?

«Зарафшон» газетаси ҳафтада уч марта (сешанба, пайшанба ва шанба кунлари), «Самарқандский вестник» газетаси ҳафтада икки марта (чоршанба ва шанба кунлари) чоп этилади. Агар газеталаримиз сизга ўз вақтида етиб бормаётган бўлса тахририятимизнинг

66-233-91-51, 66-233-91-56 телефон рақамига қўнғироқ қилинг.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2019 йилда Мамараҳимов Бекзод Шароф ўғли номига берилган рўйхат рақами 101, К № 5561483 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Ватаним – саждагоҳим

Ватан ҳақида шунчаки ёзиш анчайин мушкул. Кўнгилда Ватан туйғуси шаклланмай туриб, Ватанини ҳис қилиб бўлмайди. Баъзида ўзга юртларда юмуш вақидан юрган одам Ватан қадрини кенгрок билади, дейишади. Аслида, Ватанининг ичида туриб, уни чин дилдан севиб яшаган одам ҳам юрт қадр-қимматини тугал англай олади.

Фақат... Ватан ҳақида ёзишнинг яна бир мушкуллиги шундаки, кўпинча одам ўзи дилдан суйадиганини таърифлашга муносиб сўз тополмай қолади. Шу боис Ватанини севишни, уни ардоқлашни овозсиз, сассиз, аввало, амалда, қилинаётган эзгу ишларда кўргим келади.

Биз ота-онамизни бирор манфаат кутмай севадимиз-ку! Ватанини ҳам ана шундай севишимиз, ардоқлашимиз керак.

Болалигим бувимнинг ёнида ўтди. Бувим сўфи азон айтмасидан хамир қориб кўярди. Нон ёлғунча ховлини супурарди. Озода ва пазанда аёл эдилар. Қуёш оламни ёритганда тандирдан нонлар узарди.

Ховлидан райҳон иси уфуриб турарди. Бувимнинг уйи – менинг ватаним эди. Ватан дегани шу бир сиқим тупрок, дея болаларга хос фикрлардим. Кейинчалик ана шу бир сиқим тупроқда ҳикмат кўплигини, бувимнинг ховлисига ҳеч нарсани алмашиб бўлмаслигини англадим... Бугун она юрт ҳақида ёза туриб, ўша дамларни эсга оляпман. Беихтиёр ўйга толаман, Ўзбекистон аталмиш ота маконим шу – менинг Ватаним!

Абдуазиз ҲОШИМОВ.



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан.

"Мен Конституцияни ўрганаман".

Бахтиёр МУСТАНОВ сурат-лавҳаси.

Миллий тест тизими

учун онлайн рўйхатга олиш бошланди

Тест синови жараёнларининг очиқлик, шаффофлик ва адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида Давлат тест маркази томонидан олий таълим муассасаларига кириш тест синовларини ўтказиш борасида амалга оширилаётган ишлар барчамизга маълум. Кейинги йилларда тест синовлари абитуриентлар учун барча шароитлар яратилган ҳолда вилоятлар марказларидаги катта сифимли биноларда ўтказилмоқда. Жараёнда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида абитуриентлар бинога киришда шахсни идентификациялаш қурилмалари орқали текширилиб, тест синовлари кузатув камералари орқали мунтазам назорат қилиб борилмоқда.



Айниқса, пандемия шароитида абитуриентларнинг олий таълим муассасаларига кириш учун рўйхатдан ўтиши, Ягона интерактив давлат хизматлари портали my.gov.uz веб-сайти орқали ҳамда Давлат тест марказининг abitur.dtm.uz расмий веб-сайти орқали амалга оширилди. Бу эса абитуриентларга ортиқча овозгарчиликларсиз, йўл харажатлари ва вақтини тежаган ҳолда республиканинг исталган олий таълим муассасасига ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш билан биргаликда кириш тест синовини ҳам ўларга яшаб турган ҳудудларида топшириш имкониятини яратди.

Вазирлар Маъжмасининг 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қароридан 2020 йил 1 декабрдан бошлаб босқичма-босқич бакалаврият таълим йўналишларига мумкин бўлган ҳолда абитуриентларнинг билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилиши белгиланган.

Мазкур қарорга кўра, умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш қуйидаги муддатларда жорий этилади: - 2020 йил 1 декабрда она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

2020 йил 1 декабрь кунини она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти) қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича; - 2021 йил 1 февралда кимё ва биология фанлари бўйича; - 2022-2024 йилларда физика, география ва тарих фанлари бўйича.

Учинчи Ренессансда Улуғбеклар дунёга келади

Ўтмишда ўзбек халқининг илғор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, улар амалга оширган кашфиётлар жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинасини очган буюк аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур. Х аср араб ёзувчиси, "Боғдодда бирор олим ёки шоир йўқки, унинг Хоразмдан ўқувчиси, шогирди бўлмаса" деб ёзганди. Яна бир араб донишманди "Андалусиядан Боғдодга йўлга чиқишда шунинг гувоҳи бўлдимки, Боғдодда араб олимларининг сони ва илмий салоҳияти кўп бўлишига қарамай, Марказий осиеликлар фаннинг турли йўналишлари ва фалсафий фикрлаш бобида араблар қуёшининг ботишига олиб келди", дейди.

Немис олими Генрих Зутернинг тадқиқотлари туфайли Боғдод академиясида фаолият олиб борган олимлар рўйхати аниқланди. 515 дан ортиқ математик ҳамда астрономлар ўз асарларини араб тилида ёзганлиги сабабли фанда араб миллатига мансуб олимлар, деб келинди. Зутернинг қайд этишича, нисбаларига (тутилган жойларига) кўра, аслида уларнинг кўпчилиги мовароуннахрликдир. Боғдодда математика, астрономия, табиий фанлар, шунингдек, фалсафа тушунчасига тегишли фанлар ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, фанларнинг бу йўналишлари бўйича ҳам Хуросон ва Мовароуннахрдан чиққан мутафаккирлар илмий салоҳиятининг юксаклиги билан ажралиб турар эди. Бу борада уларнинг илмий техника асбобларини яратиш қобилияти юқори бўлганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Илм-фанда "Ренессанс" деган атама бўлиб, маъноси "Ўйғониш даври" деб юритилади. Бу атама "янгилашиш" деган маънони англатиб, дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалишига нисбатан қўлланилган, уни ўрта аср турғунлигидан янаги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатадики, Мовароуннахр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан фалсафа, адабиёт ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини ўзгартирган, ақлий ва ижодий фалоник гуркираган.

Шарқ ўйғониш даври ҳам улғу алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Мухаммад Хоразмий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Райхон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек оламшумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, ибн Рушдларнинг асарлари тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият яхлитлиқда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди.

Шеъриятда Алишер Навоий, Жомий, Ҳофиз

Шерозий, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий каби даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратди. Миниатюра, расмчиликда Камолиддин Беҳзод расмлари янги ижодий йўналишга асос солди. Бундан ташқари, мусиқа ва санъат ҳам ривожланиб, гуллади. Шарқда ҳам худди Европадагидек Ренессанс икки босқичда амалга ошди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, биринчи давр бу IX-XII асрларга тўғри келса, иккинчи давр XIV-XV асрларни ўз ичига олди.

Юртбошимиз Ш.Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда Учинчи Ренессанс тушунчасига тўхталиб, "Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик", деб таъкидлади. Аждодларимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлар каторида бўлгани сир эмас. Мана шу буюкликка улар осонликча эришмаган. Аввало, улар жаҳонга берилмаган, ўз вақтини доим самарали ўтказишган. Ўз идрокки, куч-қуввати ва азму қудратини фақат илм олишга сарфлаган. Маърифат соҳасида уларнинг "Илиги тўқ бўлган".

Шу машаққатлар ва заҳматлар орқали илм-фанга, таъбир жоиз бўлса, инсониятнинг турмуш шароити яхшиланишига, оғирини енгили қилишга улкан ҳисса қўшишган.

Учинчи Ренессанс ғоясидан кўзланаётган энг катта мақсад - тарихан мавжуд буюк салоҳиятни қайта ўйғотишдир. Президентимиз бу йўлда тарбиячи, ўқитувчи, зиёлиларимиз ҳамда ота-оналар таянч устун бўлиши кераклигини таъкидлади.

Юлдаз ШАМСИДДИНОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги ёшлар парламенти аъзоси.

Рақамли иқтисодиёт

факультетида қандай фанлар ўқитилади?

Бу борада ҳукуматимиз томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинган бўлиб, президентимиз Ш.Мирзиёевнинг жорий йил 5 октябрь кунини имзоланган "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони алоҳида аҳамиятга эга. Фармонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали кадрлар авлодини шакллантириш, таълим тизимига ҳар бир таълим даражаси учун рақамли иқтисодиётнинг асосий ваколатларига қўйиладиган талабларнинг шаклланиши ва жорий этилиши, уларнинг узлуксизлигини таъминлаш, инсон капиталини ва ихтисослашган таълимни ривожлантириш режалаштирилган.

Юқоридаги вазифаларнинг амалдаги татбиқи сифатида янги ўқув йилида Самарқанд давлат университетида рақамли иқтисодиёт факультети ташкил этилди. Факультетда рақамли соҳа мутахассисларини тайёрлаш ҳамда бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш ва рақамли технологияларни амалда қўллаш, катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш бўйича билим, кўникма ва малакани шакллантириш мақсадида магистратура босқичида таҳсил олишни мақсад қилган талабалар учун рақамли иқтисодиёт, инсон ресурсларини бошқариш, тармоқлар иқтисодиёти каби йўналишлар ўз фаолиятини бошлади. 2020-2021 ўқув йилида ушбу мутахассислик йўна-

лишлари бўйича 30 дан ортиқ иқтидорли магистрантлар танлов асосида ўқишга қабул қилинди. Факультетда рақамли соҳага бевоқиф тааллуқли бўлган рақамли маркетинг, IT-лойиҳаларни бошқариш, ахборот технологиялари, эконометрика асослари, инсон ресурсларини бошқариш каби фанлар ўқитилмоқда. Рақамли технологиялар бўйича ўқитиш юртимизга энди кириб келаётганлиги сабабли бу соҳада адабиётлар яратиш ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш бўйича етарлича ишлар амалга оширилгани йўқ. Факультетда профессор-ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутахассислари билан биргаликда рақамли соҳага оид дарсларни кўпроқ ўқув режасига киритиш, катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, рақамли дарсликларнинг электрон кутубхонасини шакллантириш бўйича изланишлар олиб бориш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, рақамли иқтисодиёт факультетининг сазй-ҳаракатлари натижасида нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган халқаро таълим дастурлари асосида қўшма дастурларнинг йўналишлари очилди. Келгусида ушбу фаолият доирасини кенгайтириш кўзда тутилган ҳолда магистрантларни хорижий олий ўқув юртларига тажриба алмашиш мақсадида ўқишга юбориш режалаштирилмоқда.

Меҳрангиз МУЛЛАЕВА, Фазилат ҚУРОЛОВА, Самарқанд давлат университети рақамли иқтисодиёт факультети талабалари.

Велоспорт

Пайариқ туманидаги Ингичка қишлоғи тепаликларига катталар, Ўзмирлар ва ёшлар ўртасида тоғ велосипедининг Ўзбекистон кубоги (Mountain Bike) мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Хоразми, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳридан 120 нафар спортчи ўзаро беллашди.

Велопойгагинг якуний натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси биринчи, Самарқанд вилояти иккинчи ва Тошкент вилояти жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

Вилоятимиз жамоаси сафида иштирок этган пайариқлик Мухлиса Санақулова қизлар ўртасидаги баҳсда, энг яхши натижа кўрсатиб, мутлақ ғолиб деб топилди.

Футбол, волейбол

Самарқанд шаҳрида спорт муассасалари ходимлари ўртасида мини футбол бўйича "Раҳбар кубоги" ҳамда маданият муассасаларининг аёл ходимлари ўртасида волейбол бўйича "Қазаба уюшмалари кубоги" мусобақасининг якуний босқичи ўтказилди.

Унда Самарқанд шаҳар футбол маҳорати мактаби жамоаси Нарпай туман болалар-ўсмирлар спорт мактаби ходимлари устидан 4:2 ҳисобида ғалабага эришди. Учинчи ўрин Жомбой тумани болалар-ўсмирлар спорт мактабига насиб этди.

Волейбол беллашуви якунида пахтачиликлар Тойлоқ тумани маданият тизими ходимларини 3:0 ҳисобида енгиб, кубок соҳиби бўлди. Нурободликлар учинчи ўринни эгаллади.

Спорт хабарлари

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд шаҳар бўлини кенгаши ташаббуси билан Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган ходимлар ўртасида бир қатор спорт мусобақалари ташкил этилди.

Хусусан, мини футбол бўйича ўтказилган беллашувида Самарқанд шаҳридаги 24-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоят халқ таълими бўлими иккинчи ва Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ходимлари учинчи ўринни эгаллади.

Аёл ходимлар ўртасида ўтказилган волейбол беллашувида биринчи ўринни Самарқанд шаҳридаги 2-мактабга таълим ташкилоти ходимлари эгаллади. Иккинчи ўринга 98-МТТ ва учинчи ўринга 24-мактаб аёл ходимлари сазовор бўлди. Шунингдек, ишчи ходимлар ўртасида узунликка ва арғамчида сакраш, стол тенниси, шахмат, шашка ва бошқа спорт мусобақалари ўтказилди.

Хусан ЭЛТОЕВ.

Zarafshon SAMARQANDSKII YESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган. Нашр 100. Индекс 438. 9 701 нусxada чоп этилди. Бюроғи 750

Ҳажми 4 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи. Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй. Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Ҳ.ҲУДОЙБЕРДИЕВ. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сотишда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X 9 772010 667009